Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 170 (20. 138) • 1988 йил 26 июль, • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

...ПАХТАКОРЛАР КУТИБ ТУРОЛМАЙДИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИГА КЎМАКЛАШУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДАН

Аввал хабар берилганидек, 23 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари залга киришдан олдин янги пахта териш машинасини яратиш идоралараро фан-техника марказида ишлаб чиқилган техника намуналарини кўздан кечирдилар. Кенгаш аъзолари, заводлар ва конструкторлик бюролари раҳбарлари, ихтирочилар машиналарни синчковлик билан ўргандилар, программа раҳбари академик А. Глушченконинг: машинанинг техника-иқтисодий параметрлари қанақа, бу машиналар қандай тезликда ишлашга қодир, уларнинг орқага бурилиши учун қандай кенгликдаги майдон талаб этилади?... каби саволларга кўмиб ташладилар.

Булар шунчаки берилган саволлар эмас. Янги машиналар ҳаётга йўлланма оладими ёки улар шундай ҳолича — тажриба намунаси сифатида қолиб кетадими? — бу ана шу саволларга берладиган жавобларга боғлиқ эди.

Идоралараро фан-техника маркази икки йилдан олдинроқ ташкил этилган бўлиб, унинг олдига аниқ вазифа қўйилган: 1990 йилгача тўрт қаторли янги пахта териш машиналарини, 1991 йилгача подборшчикларнинг янги туркумини тайёрлаб бериши керак. Бунда мазкур машиналар жаҳон техника даражасига мос бўлиши шарт қилиб қўйилган эди.

Бундай машинанинг зарурлигига шак-шубҳа йўқ: ҳозирги туркумдаги терим машиналари Американинг «Жон Дир» фирмаси техникасидан, бошқа энг яхши намуналардан жиддий орқада қолмоқда, улар билан муносиб рақобат қилишга қодир эмас. Унумдорлигининг пастлиги ва пухта эмаслиги, қаторларда кўплаб хом ашёнинг нобуд бўлиши, ундан фойдаланишдаги ноқулайлик — буларнинг ҳаммаси пахтакорларга қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда.

Мана икки йил ҳам ўтди. Идоралараро фан-техника маркази ХС маркали тўрт қаторли машинанинг базавий моделларини таклиф этмоқда, ХФ маркасидаги бутун бир турдаги техниканинг синовлари ўтказилди, дефолиациясиз ишлайдиган уч қаторли машиналарни далага чиқазиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Улар ғўза тупларидаги ҳосилни поғонама-поғона териб олади. Бу янги агротехника усули ҳосилдорликни 7 центнергача кўпайтириш имкониятини бериши мумкинлигини синовлар кўрсатди.

Лекин, янги техниканинг шу даражада кўп ва хилмахил бўлишига қарамай, залдан саволлар туша бошлади: ҳозиргача миллионлаб пул сарфлаб бўлган идоралараро фан-техника маркази умуман ўзини оқладими ёки йўқми?

Марказни ташкил этиш ўзини оқлади! Буни охир оқибатда марказ раҳбарлари концепциясига очиқдан-очиқ қарши чиқаётганлар ҳам тан олишди. 12 та тажриба-конструкторлик ташкилотлари кучларини бирлаштирган идоралараро фан-техника маркази умуман ўзини оқладими ёки йўқми?

Марказни ташкил этиш ўзини оқлади! Буни охир оқибатда марказ раҳбарлари концепциясига очиқдан-очиқ қарши чиқаётганлар ҳам тан олишди. 12 та тажриба-конструкторлик ташкилотлари кучларини бирлаштирган идоралараро фан-техника маркази фаолиятини активлаштириш учун марказ раҳбариятига ишларни планлаштириш ва уларни маблағ билан таъминлашда тартиб ўрнатишни тавсия этди, уларни ихтирочилар билан қалин алоқа ўрнатишга чақирди. Республика Давлат агросаноат комитети, «Машхлопок» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига идоралараро фан-техника маркази ишларини ўз вақтида маблағ билан таъминлаш таклиф этилди. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва пахтачилик учун машиналар яратувчи давлат махсус конструкторлик бюроси базасида ихтисослашган тажриба-экспериментал ишлаб чиқаришни ташкил этишга қарор қилинди. У идоралараро фан-техника марказининг бош конструкторига бевосита бўйсунади.

Яна бир нарсани айтиб ўтайлик: мажлисда, масаланинг муҳимлигига қарамай, бизнингча, ишга унча алоқадор бўлмаган гаплар айтилди: гўёки матбуот ҳеч қандай ёрдам бермаётган, фақат асоссиз танқид қилаётган эмиш. Жумладан, «Известия» газетасида пахта териш машиналари юзасидан ҳимоя қилган юзта диссертация ҳақидаги мақола эса олинди. Тўғри, шу ернинг ўзидаёқ бу масалага аниқлик киритилди: 300 та кандидатлик диссертацияси, 20 та докторлик диссертацияси ёқланган экан...

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.

СССР Статистика давлат комитетининг ахбороти

ЭКОНОМИКАДА ТУБ БУРИЛИШГА ЭРИШАЙЛИК!

1988 йилнинг биринчи ярмида СССРнинг иқтисодий ва социал ривожланиши тўғрисида

1. УМУМИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

1988 йилнинг биринчи ярмида СССР халқ хўжалигида иқтисодий ва социал ривожланишнинг ижобий тенденциялари кучая борди. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясига тайёргарлик бу жараёнга қўшимча омил бахш этди.

Саноатдаги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги корхоналарнинг анчагина қисми тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказилганлиги пировард натижаларга ва сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир қила бошлади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари пасайиши бартараф этилмоқда, бир қанча энг муҳим кўрсаткичлар соҳасида жадаллаштиришга эришилди. Миллий даромад ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 5 процент, ижтимоий меҳнат унумдорлиги 5,5 процент кўпайди. Ташқи савдо оборати яна ўса бошлади.

Саноат маҳсулоти етказиб беришга оид шартномавий мажбуриятларни бажариш даражаси ошди, 1987 йилнинг январ—июнь ойларига нисбатан ҳаммаси бўлиб 20 миллиард сўмлик кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Аввало, корхона ва ташкилотлар фондларининг, маблағлари ҳисобига асосий фондларни ишга тушириш ошди. Халқ хўжалигида пландан ташқари 8 миллиард сўмдан кўпроқ фойда олинди.

Экономикани ривожлантиришнинг социал йўналиши кучайтирилмоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ўсди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш тенденцияси барқарор тус олмоқда. Чакана товар оборотн ва пулли хизматлар плани бажарилди. Уй-жой қурилиши миқёслари кенгайди.

Шу билан бирга бир қанча халқ хўжалик комплекслари ва тармоқларидаги мавжуд камчиликлар секинлик билан тугатилмоқда, янги хўжалик механизмининг афзалликларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти, ишнинг барқарорлиги ва изчиллиги таъминланмаяпти. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, асосий фондларни янгилаш суръатлари етарли эмас. Маҳсулот етказиб бериш интизоми ҳали ҳам паст, бу эса меҳнат коллективлари ишининг нормал маромни бузилишига олиб келмоқда.

Қўпгина саноат ва қурилиш корхоналари меҳнат унумдорлигининг ошиши суръатларига нисбатан иш ҳақининг ўсиши суръатлари илдамлашувига йўл қўйдилар. Корхона ва ташкилотлар анчагина қисмининг молиявий ҳолати беқарор бўлиб турибди. Аҳолининг бир қанча озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноат молларига, пулли хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришдаги танглик сақланиб қолмоқда. Бир қанча социал-маданий объектларни қуриш ярим йиллик плани бажарилмади.

1988 йилнинг биринчи ярмида мамлакат иқтисодий ва социал ривожланишининг асосий кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан характерланади (ўсиш процент ҳисобида):

Маълумот учун:	1988 йилнинг биринчи ярмида 1987 йилнинг биринчи ярми ҳажмий даражасига нисбатан	1987 йилнинг биринчи ярмида 1986 йилнинг биринчи ярми ҳажмий даражасига нисбатан
Ҳосил қилинган миллий даромад	5	2,4
Саноат маҳсулоти — жами	4,7	3,5
Шу жумладан:		
Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш	4	3,4
Истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш	6	3,6
Давлат марказлаштирилган капитал маблағлари ҳамда корхона ва ташкилотлар фондларининг маблағлари ҳисобидан ишга туширилди:		
Асосий фондлар	2	6
Уй-жой бинолари	2	15
Марказлаштирилган ҳамда корхона ва ташкилотларнинг фондлари ҳисобидан давлат капитал маблағларини сарфлаш	6	6
Умумий фойдаланишдаги транспортнинг ҳамма турларида юк ташиш (жўнатиш) ҳажми	2,8	0,8
Умумий фойдаланишдаги транспортнинг ҳамма турларида пассажир обороти	4	3
Меҳнат унумдорлиги:		
Саноатда	5,4	3,6
Қурилишда	7,9	4,4
Темир йўл транспортида	7,2	6,3
Ишчи ва хизматчилар сони	0,3	0,3
Халқ хўжалигидаги иш ҳақи фонди	5,5	3,4
Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи	5,7	3,2
Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи	5	2
Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига берилган тўлов ва имтиёзлар	5,2	5,3
Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти (ҳақиқий нархларда)	6,4	2,2
Аҳолига пулли хизматлар	17	10
Ташқи савдо обороти (ҳақиқий нархларда)	5	—4,3
Халқ хўжалигидаги фойда (январь — май)	11	4,4

II. ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШ

Фан-техника тараққиёти. Ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш ҳажмлари ошди. Шу ишларга 17,5 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6 процент кўп маблағ сарфланди, шундан корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағи капитал маблағнинг умумий ҳажмида 73 процентни ташкил этди.

Бир қанча ишлаб чиқаришларнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди.

Ёқилғи-энергетика комплексида илғор технологиялардан фойдаланиш ошди. Нефть чиқаришни кўпайтиришнинг замонавий усулларидан фойдаланиб, нефть қазиб олиш 1987 йилнинг январь—июнига нисбатан 15 процент кўпайди. Ҳосил қилинган жами электр энергия таркибида атом электр станцияларида ҳосил қилинган электр энергиянинг улуши ўтган йилнинг шу давридаги 11,4 процентдан 13,1 процентга етди.

Металлургия комплексида маҳсулотнинг тежамли турларини, шу жумладан пиширлаштирувчи термик ишлов берилган прокат ишлаб чиқариш 2 процент, паст легирли пўлат прокати ишлаб чиқариш 3 процент, юксак даражада пишиқ обсад қувурлар ишлаб чиқариш 17 процент ва пармалаш қувурлари ишлаб чиқариш 2,8 баравар кўпайди. Ишлаб чиқарилган жами пўлат ҳажмида кислород-конвертер усулида ва электр ёрдамида пўлат эритишнинг солиштирма салмоғи 46,8 процентдан 1988 йилнинг биринчи ярмида 47,4 процентга етди.

Машинасозлик комплекси министрликларининг корхоналарида СССРда биринчи бор ўзлаштирилган маҳсулотнинг солиштирма салмоғи ўтган йилнинг январь — июнидаги 4,4 процентдан (йиллик пландаги 9,2 процент ўрнига) 8,8 процентни ташкил қилди.

Унификация қилинган янги стационар лентали конвейерлар, носинхрон электр моторлар, махсус автопогрузчиклар, подшипниклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мослашувчан 7 та ишлаб чиқариш системаси, 37 та ротор ва ротор-конвейер линиялари, рақамли программа билан бошқариладиган 1,8 мингта металл қирқиш станоги, 16 та лазер технологияи қурилмаси ва илғор пайвандлаш усуллари учун 46 та қурилма ишга туширилди.

Химия-ўрмон комплексида химиявий толалар ва иплар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида синтетик тола ва иплар улуши 61,5 процентга етди (1987 йилнинг биринчи ярмида 59,8 процент эди). Оғирлик-сиғими камроқ бўлган газетабоп қоғознинг солиштирма салмоғи ошди, бундай қоғоз 60 процентдан кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса 0,7 миллион куб метр ёғоч хом ашёни тежаш имконини берди.

Колхоз ва совхозларда интенсив технология асосида етиштирилаётган баҳори дон ва дуккакли дон экинлари 23,2 миллион гектарни (шу экинлар етиштирилаётган майдонларнинг 28 процентини), саноатбоп қанд лавлаги 3 миллион гектарни (88 процентини), кунгабоқар 2,5 миллион гектарни (59 процентини) эгаллаб турибди.

Қурилиш комплексида ишларнинг илғор турларини қўлланиш кўпайди. Кўтариб турувчи ва тўсувчи конструкцияларн тўла-тўкис йиғиладиган йирик ҳажмли элементлар, узеллар, панеллар ва блоклардан иморат қуришнинг солиштирма салмоғи қурилиш-монтаж ишлари ҳажмида 41 процентини ташкил қилди.

«Қуруқ» усулда олинган клинкердан цемент ишлаб чиқаришнинг умуман цемент ишлаб чиқаришдаги улуши биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридаги 15,8 процентдан 17,1 процентга етди.

Умумий фойдаланишдаги транспортда илғор техника воситаларини жорий қилиш суст амалга оширилмоқда. Темир йўл транспортининг умумий юк оборотида электровозларнинг солиштирма салмоғи 0,9 пункт кўпайиб, 63,1 процентни ташкил этди.

Янги маҳсулотнинг энг муҳим турларини етказиб бериш юзасидан тузилган 1988 йилги давлат буюртмаси йилнинг биринчи ярмида 25 процент, СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлигида 14 процент, СССР Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлигида 16 процент, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлигида 19 процент бажарилди. Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо мамлакатлар фан-техника тараққиёти 2000 йилгача мўлжалланган Комплекс программаси топшириқлари амалга оширилмоқда. СССР Химия саноати министрлиги микроэлектроника учун 54 тонна алоҳида соф моддаларни етказиб берди.

Ийл бошидан буён 1200 тадан кўпроқ мустақил илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технология ташкилотлари тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказилди. Машинасозлик, химия-ўрмон ва металлургия комплекслари министрликларининг илмий ташкилотлари, шунингдек, енгил саноат, газ ва нефть қазиб чиқариш саноати, транспорт муаммоларини ҳал этаётган тармоқ ташкилотлари хўжалик юритишнинг янги шароитида ишламоқдалар.

Тармоқлараро фан-техника комплексларининг ишланмаларига мувофиқ маҳсулотнинг бир қанча илғор турлари, шу жумладан, автомобиллар ва узелларнинг пишиқ-пухталигини тебратиш усулида синайдиган автоматлаштирилган электр гидравлика комплекслари, руда материалларини майдалаш механизмлари, оптик кабеллар тайёрланди. Бир қанча тармоқлараро фан-техника комплекслари куч ва воситаларни ўз олдиларида турган муаммоларни ҳал этишга мақсадлаштиришни таъмин этмадилар, уларнинг тажриба-эксперимент базаларини ривожлантиришда орқада қолинганлиги, улар ресурслар билан етарли равишда таъминланмаганлиги сабабли шундай бўлди. Тажриба-эксперимент базаларини, лаборатория-синов марказларини ва бошқа объектларни қуриш ҳамда ишга туширишни топшириғи бажарилмади.

Маҳсулот сифати. Давлат қабули шароитида ишлаётган саноат корхоналари ва бирлашмаларида йилнинг биринчи ярмида биринчи бор тақдим этилган маҳсулотнинг 7 миллиард сўмдан кўпроқ турадиган 8 процентн қабул қилинмади; 40 миллион сўмлик маҳсулот узил-кесил брак қилинди.

Савдога ҳали ҳам паст сифатли маҳсулот юборилмоқда. Иттифоқдош республикалар савдо министрликларининг улгуржи ташкилотлари текшириб кўрилган трикотаж, тикувчилик буюмлари, газлама ва пойабзалнинг 5—10 процентини паст навларга ўтказди ва тузатиш учун қайтариб юборди. Закавказье ва Ўрта Осиё республикалари Енгил саноат министрликларининг бир қанча корхоналари —Бухоро, Кутаиси, Ленинакан, Спитак, Душанбе тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, Бухоро, Ленинакан трикотаж фабрикалари, Тбилисидаги «Исани» ва Ашхобод пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда бошқа корхоналар паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттирди.

Ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш. Ишлаб чиқилган ва реконструкция қилинган қувватларни ўзлаштиришда ва улардан фойдаланишда жиддий камчиликлар сақланиб қолмоқда.

1987—1988 йилларда ишга туширилган ва реконструкция қилинган жуда муҳим халқ хўжалик объектларидан 451 таси ўтган даврда текшириб кўрилганида уларнинг қувватларидан ўрта ҳисобда 76 процент фойдаланилаётгани аниқланди. Объектларнинг 60 процентидан кўпроғида қувватларни ўзлаштириш муддатлари бузилди, бу объектларда ишлаб ҳам таъминлаш ўрта ҳисобда атиги 54 процентни ташкил қилди. Бир қанча ишлаб чиқаришлар бекор турди, жумладан, 1987 йил декабрида ишга туширилган СССР Енгил саноат министрлигининг Глухово ип газлама комбинати (Москва области) корхоналарида июнь ойининг бошларида ип газлама ишлаб чиқарилмади, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг Каменец-Подольск заводида шу пайтда қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарилмади. СССР Автомобиль саноати министрлигининг Запорожьедаги «Коммунар» заводи янги қувватларида енгил автомобиллар, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг Нефтекамскдаги «Башсельмаш» заводида қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш лойиҳадаги нормалардан орқада қолмоқда.

Текширилган объектларда янги қувватларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланишда йўл қўйилган қолоқлик натижасида беш ой мобайнида лойиҳада белгиланганидан кўра 0,6 миллиард сўмликка яқин маҳсулот берилмай қолди.

Ресурсларни тежаш. Халқ хўжалигида 12 миллион тоннадан кўпроқ шартли ёқилғи, бир миллион тонна қора металлар прокати, 1,5 миллион тонна цемент, 3,5 миллион куб метр ёғоч материаллар тежаб қолинди. Материал ресурсларининг ана шу жуда муҳим турлари (цементдан ташқари) тежалганлиги йиллик топшириқнинг ярмидан кўпрогини ташкил этади. 80 миллион гигакалориядан ортиқ иккиламчи иссиқлик ресурслари хўжалик оборотига жалб этилди.

Қора металлар прокатини тежаш соҳасидаги ишда СССР Электротехника саноати министрлигининг, СССР Станкосозлик ва асбобсозлик саноати министрлигининг корхоналари, электр энергияни тежашда СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлигининг, СССР Химия саноати министрлигининг, СССР Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлигининг, СССР Автомобиль саноати министрлигининг корхоналари жуда орқада қолдилар.

Аввало, ёқилғи билан ишлайдиган электр станцияларида мазутдан ёқилғи сифатида фойдаланиш анча қисқарди. Натижада йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан нефть маҳсулотлари билан таъминлаш органлари томонидан СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига ёқилғи мазути етказиб бериш 8,3 миллион тонна ёки 18,7 процент камайди, газ етказиб бериш эса (СССР Газ саноати министрлиги томонидан) 12,1 миллиард куб метр ёки 11,6 процент кўпайди.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш. Халқ хўжалигида ўтган йилдаги 117,7 миллион ўрнига 1988 йилнинг биринчи ярмида 117,3 миллион ишчи ва хизматчи ишлади. Шу билан бирга асосий ишлаб чиқариш тармоқларидаги давлат корхоналарининг ходимлари сони қарийб 1 миллион киши камайди, асосан хўжалик юритиш механизми такомиллаштирилганлиги ва ходимлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтказилганлиги туфайли шунга эришилди. Бўшаб қолган ходимлар бошқа ташкилот ва тармоқларга, шу жумладан аҳолига хизмат қилиш соҳасига ишга жойлаштирилмоқда. Бу соҳада иш билан банд бўлган кишилар йилнинг биринчи ярмида 0,6 миллион кишига кўпайди. Шунингдек бўшатиб олинаётган ходимлар кооперативларга ишга жойлаштирилмоқда.

Ижтимоий хўжаликдаги колхозчилар сони 11,6 миллион кишини ташкил этди ва ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан бир процент камайди.

Ишлаб чиқариш, маиший хизмат ва умумий овқатланиш соҳаларидаги кооперативларда 450 минг киши ишлади, қарийб ярим миллион киши якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланди.

Меҳнат коллективлари сайлаб қўйган саноат корхоналари (бирлашмалари) раҳбарларининг сони кўпайди. 1 июнгача корхоналар директорларининг бешдан бир қисми ва мастерларнинг ўндан бир қисми сайланди.

Хўжалик механизмини ва бошқарувни такомиллаштириш. Туб иқтисодий ислоҳот ва хўжалик юритишнинг янги усуллари кўпгина ишлаб чиқариш ва социал муаммоларни ҳал этишга, меҳнат коллективларидаги вазиятга ижобий таъсир ўтказа бошлади.

Тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказилган корхоналар меҳнат унумдорлигини, фойдани анча юқори суръатлар билан оширдилар, маҳсулот таннархини камайтирдилар. Улар саноат ишлаб чиқариши ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш, саноатдаги ишлаб чиқариш ходимлари сонини камайтириш ҳисобига эришдилар. Бу корхоналар январь—майда меҳнат унумдорлигини 6,4 процент (хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтказилмаган корхоналар эса 4,2 процент), фойдани 12,8 процент (хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтказилмаган корхоналар 10,2 процент) оширишни таъминладилар. Фойдани кўпайтиришга асосан маҳсулот таннархини пасайтириш ва материал сарфини камайтириш ҳисобига эришилди.

Давлат марказлаштирилган капитал маблағлари ҳамда тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишловчи саноат министрликлари корхоналари ҳамда ташкилотларининг фонд маблағлари лимитидан йилнинг биринчи ярмида 105 процент, хўжалик юритишнинг янги принципларига ўтказилмаган корхоналар лимитидан эса 95 процент фойдаланилди.

Даромадни норматив усулда тақсимлашга асосланган хўжалик ҳисоби усули оммалашмоқда. Ҳозирги вақтда 172 та саноат корхонаси хўжалик юритишнинг мазкур усулини қўлланмоқда. СССР Электротехника саноати министрлигининг корхоналари 1988 йилнинг биринчи ярмида шартномавий мажбуриятларни 99,5 процент ва Белоруссия ССР Енгил саноат министрлигининг корхоналари 99,5 процент бажардн, уларнинг биринчисида меҳнат унумдорлигини ошириш суръати 11,4 процентни ва иккинчисида 6,4 процентни ташкил этди.

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлаётган колхозларда, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда гўшт етиштириш (тирик чорва ва парранда вазнида) йилнинг шу даврига нисбатан 5 процент, янги шароитга ўтказилмаганларида эса 3 процент кўпайди.

Умумий фойдаланишдаги транспорт (темир йўл, денгиз, авиация, автомобиль транспорти)нинг хўжалик юритиш янги принципларида ишлаётган корхоналари йилнинг биринчи ярмида планнинг асосий кўрсаткичлари бажарилишини таъминладилар ва пландан ташқари фойда олдилар.

Шу билан бирга янги хўжалик механизмининг афзалликлари тўла-тўкис рўёбга чиқарилмаяпти. Давлат буюртмасини тузишда, иқтисодий нормативларни қўлланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилди, ҳамма корхоналар ҳам хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлашга тайёр эмаслиги маълум бўлди. Ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдоси ҳали муносиб равишда ривож топгани йўқ. Йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган маҳсулотни реализация қилиш умумий ҳажмининг атиги 10 процентга яқини улгуржи савдонинг улушига тўғри келди.

Ташкилий структураларни такомиллаштириш, ортиқча бўғинларни тугатиш, бошқарув аппаратини қисқартириш тадбирлари туб иқтисодий ислоҳот доирасида амалга оширилмоқда.

Экономиканинг асосий бўғини — ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини, корхоналарини мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Илмий-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг таркибига илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технология ташкилотларини киритиш ҳисобига фан билан ишлаб чиқаришнинг бирлашувини кучайтиришга доир иш олиб борилмоқда.

Молия ишлари. Январь—май ойларида фойда планининг бажарилиши 109 процентни ташкил этди. Озарбайжон ССРдан ташқари барча иттифоқдош республикалар ҳамда СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигидан ташқари ҳамма министрликлар план топшириқларини бажардилар.

Давлат бюджетига фойдадан тўловлар ва оборот солиғи тарзида тушган маблағ ярим йил мобайнида планда белгиланган даражада 2 миллиард сўм ошиб кетди. Ишлаб чиқариш ва социал ривожланиш мақсадлари учун корхоналар ихтиёрида қолдириладиган маблағ кўпайди.

Айни вақтда ишлаб чиқаришдан зарар кўрилишини тугатиш вазифаси суст ҳал этилмоқда. Саноатдаги ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг ҳамда пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотларининг бештадан биттаси молиявий натижалар юзасидан белгиланган планни бажармади, саноатдаги ҳар ўнта корхонадан биттаси зарар кўриб ишламоқда.

Ўз оборот маблағларн етишмаслиги сабабли бир қанча корхона ва тармоқларнинг молиявий-хўжалик фаолияти жиддий равишда мушкуллашмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми иқтисод фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшгани, унинг ютуқларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этгани учун В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими президиуми раисининг ўринбосари ўртоқ Александр Сергеевич Цамутолига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

ЭКОНОМИКАДА ТУБ БУРИЛИШГА ЭРИШАЙЛИК!

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Корхоналар ўртасида ва банк кредитлари юзасидан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаслик фактлари ҳамон учраб турибди. Шу йилнинг 1 июлига қадар бундай қарздорлик гарчи учдан бир ҳисса камайган бўлса ҳам, аммо корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар соҳасида 12,9 ва банк кредитлари юзасидан 8,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Ташқи иқтисодий фаолият. СССРнинг ташқи савдо оборотн ҳажми 1987 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 5 процент кўпайиб, 66,5 миллиард сўмни ташкил этди, шу билан бирга экспортга маҳсулот етказиб бериш 3 процент, четдан импорт қилиш 7 процент кўпайди. Машинасозлик маҳсулотини экспорт қилиш жуда оз кўпаймоқда, ҳамон ёқилғи-энергетика товарлари экспортнинг асосий моддаси бўлиб турибди. 1988 йилнинг 1 июлигача 55 та министрлик ва идора, юзтадан кўпроқ бирлашма ва корхона ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқини олди. Ҳамкорликнинг янги шаклларн янада ривожланмоқда, бошқа мамлакатларнинг корхоналари билан бевосита ишлаб чиқариш алоқалари мустаҳкамланмоқда. СССР территориясида Совет ва ажнабий ташкилот ҳамда фирмалар иштирокидаги 66 та қўшма корхона ва 18 та халқаро бирлашма ҳамда ташкилот рўйхатга олинди. Бироқ ташқи иқтисодий фаолият секинлик билан қайта қурилмоқда.

III. МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

САНОАТ

Биринчи ярим йилликда давлат буюртмаларига мувофиқ ва бевосита алоқалар бўйича маҳсулот етказиб бериш борасидаги **шартномавий мажбуриятлар** 1987 йилнинг биринчи ярмидаги 98,1 процент ўрнига 99,3 процент бажарилди. Бирлашма ва корхоналарнинг 14 процентн шартнома интизомини бузди (1987 йилнинг январь-июнь ойларида 24 процент эди). Қолоқликка йўл қўйган корхоналар ўтган йилнинг шу давридаги 6,6 миллиард сўмлик ўрнига 2,7 миллиард сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар.

саноат маҳсулотн ишлаб чиқариш 4,7 процент кўпайди, **меҳнат унумдорлиги** эса 5,4 процент ошди. Маҳсулотнинг бутун ўсиши ходимлар сонини мутлақ камайтирган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланди. Январь-май ойларида **фойда** 11,7 процент кўпайди, планга қўшимча равишда 3,6 миллиард сўм фойда олинди.

Халқ хўжалик **комплекслари, министрликлар, идоралар** фаолиятининг 1988 йилнинг биринчи ярмидаги кўрсаткичларн қуйидагича (процент ҳисобида).

	Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши	шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналарнинг улуши	фойда олиш планининг бажарилиши: (январь — май);	1987 йил 1 ярмига нисбатан ўсиш суръатлари. маҳсулот (ишлар, хизматлар), ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Ёқилғи-энергетика комплекси	99,7	25	108	3,2	4,7
СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	98,1*	40*	103	1,0	3,3
СССР Нефть саноати министрлиги	99,9	14	111	1,2	2,8
СССР Газ саноати министрлиги	100	—	106	9,1	11,7
СССР Кўмир саноати министрлиги	99,6	26	118	4,1	5,0
Металлургия комплекси	99,3	21	109	3,6	6,2
СССР Қора металлургия министрлиги	99,1	28	112	4,0	6,9
СССР Рангли металлургия министрлиги	99,8	11	106	2,7	4,9
Машинасозлик комплекси	98,5	38	105	7,0	7,9
СССР Оғир машинасозлик министрлиги	97,5	45	104	8,9	9,8
СССР Электротехника саноати министрлиги	97,6	46	103	9,0	8,2
СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги	98,6	43	106	9,8	8,5
СССР Станоксозлик саноати министрлиги	98,5	33	102	4,7	6,2
СССР Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги	98,5	26	105	9,5	12,5
СССР Автомобиль саноати министрлиги	99,5	35	113	4,7	5,4
СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги	98,7	34	99	5,2	6,4
СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги	98,4	66	111	10,5	11,4
Химия-ўрмон комплекси	99,0	32	110	4,5	7,0
СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги	99,4	30	109	2,8	12,2
СССР Химия саноати министрлиги	98,7	3	113	7,2	9,7
СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги	98,7	22	112	2,8	4,7
СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги	99,6	13	100,7	7,0	8,4
СССР Ўрмон саноати министрлиги	98,6	37	112	5,1	8,2
Агросаноат комплекси	99,8	8	105	2,8	3,9
СССР Давлат агросаноат комитети	99,8	9	106	3,3	4,3
СССР Балиқ хўжалиги министрлиги	99,9	8	100,7	2,7	5,9
СССР Дон маҳсулотлари министрлиги	99,7	4	107	0,9	0,5
Соцнал комплекс (СССР Енгил саноат министрлиги	99,5	12	109	5,5	7,4
Қурилиш комплекси (СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги)	99,4	14	106	3,5	7,7

* Электр-энергетика корхоналарисиз.

Иттифоқдош республикалар бўйича 1988 йилнинг биринчи ярмида саноатнинг (шу жумладан иттифоққа бўйсунувчи саноатнинг) иши тўғрисидаги маълумотлар қуйида келтирилган (процент ҳисобида):

	маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши	шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналар улуши	1987 йилнинг I ярмига нисбатан ўсиш суръатлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми	меҳнат унумдорлиги
РСФСР	99,2	15	4,4	6,0
Украина ССР	99,1	12	5,0	5,9
Белоруссия ССР	99,95	3	6,7	6,6
Ўзбекистон ССР	98,8	16	1,9	0,8
Қозоғистон ССР	99,5	9	4,5	4,9
Грузия ССР	99,4	12	3,4	4,7
Озарбайжон ССР	99,9	10	4,0	4,3
Литва ССР	99,9	3	5,0	6,2
Молдавия ССР	99,4	11	5,6	6,1
Латвия ССР	99,7	6	5,3	8,1
Қирғизистон ССР	99,4	14	9,0	9,1
Тожикистон ССР	99,4	16	6,1	5,2
Арманистон ССР	99,0	15	6,1	6,1
Туркманистон ССР	99,4	11	7,0	7,2
Эстония ССР	99,8	7	3,1	5,4

1988 йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалиги **комплекслари** тармоқларининг иши қандай бўлганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ

	1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси	топшириқнинг бажарилиш процентн	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида
Электроэнергия, миллиард киловатт-соат	860	100,8	103
Нефть (газ конденсатини ҳам қўшиб ҳисоблаганда), миллион тонна	312	101	101
Газ, миллиард куб метр	383	103	107
Кўмир, миллион тонна	393	104	103

Ёқилғи-энергетика комплексининг тармоқлари барқарор ишлади. Топшириққа қўшимча равишда 4,3 миллион тонна нефть, шу жумладан газ конденсати, 10,5 миллиард куб метр газ ва 14,5 миллион тонна кўмир, шу жумладан кокслаш учун 5,5 миллион тонна кўмир қазиб чиқарилди. Аммо комплексдаги бир қанча корхоналарнинг қониқарсиз ишлаганлиги истеъмолчилар олдидаги шартномавий мажбуриятларни тўла-тўкис бажаришга имкон бермади. Топшириқни бажармаганлар орасида СССР Кўмир саноати министрлигининг «Антрацид» ва «Стахановуголь» бирлашмалари; СССР Нефть саноати министрлигининг «Сахалинморнефтегаз» бирлашмаси бор. Комплекс корхоналари ярим йил ичида 80 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар.

МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ

	1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси	топшириқнинг бажарилиш процентн	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида
Пўлат, миллион тонна	81,7	100,7	101
Қора металлар прокати (тайёр), миллион тонна	57,7	101	103
Пўлат қувурлар, миллион тонна	10,3	100,9	103
Темир рудаси, миллион тонна	125	101	100,5

Металлургия комплекси корхоналари қора ва рангли металлургия маҳсулотларининг асосий турлари юзасидан биринчи ярим йиллик топшириқларини уддаладилар. Бироқ совуқ ҳолда катанкаланган туника ғоят пишиқ насос-компрессор ва пармалаш қувурлари, совуқ ҳолда тортилган навли пўлат ва бошқа бир қанча прогрессив металл маҳсулотларининг турлари кўзда тутилганига қараганда қамроқ ишлаб чиқарилди, бу эса истеъмолчилар олдидаги шартномавий мажбуриятларни тўла ҳажмда бажариш имконини бермади.

Комплекс корхоналари истеъмолчиларга 261 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермадилар.

Коммунар (96 процент бажарган), «Запорожсталь» (95,1 процент) ва Макеевка (94,7 процент) металлургия комбинатлари, шунингдек «Днепроспецсталь» электр металлургия заводи (91,5 процент), Енакиево (94,3 процент) ва Ўзбекистон (88,7 процент) металлургия заводлари маҳсулот етказиб беришда энг кўп қолоқликка йўл қўйдилар.

МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

	1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси	топшириқнинг бажарилиш процентн	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида
Турбиналарнинг генераторлари, миллион киловатт	7,0	99,7	117
Йирик электр машиналар, минг дона	12,3	96	99
Махсус, ихтисослаштирилган ва агрегат металл қирқиш станоклари, минг дона	24,2	99	95
Рақамли программа билан бошқариладиган металл қирқиш станоклари, минг дона	11,0	103	104
Рақамли программа билан бошқариладиган темирчилик-пресс машиналар, минг дона	1,0	114	128
Приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, миллиард сўмлик	2,7	102	108
Медицина техникаси ва унинг эҳтиёт қисмлари, миллион сўмлик	480	106	109
Ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, миллиард сўмлик	3,0	104	115
Прокат ускуналари, миллион сўмлик	114	97	113
Нефть аппаратлари, миллион сўмлик	135	96	109
Химия ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, миллион сўмлик	520	99,2	111
Тракторлар, миллион от кучи	26,4	98	102
Қишлоқ хўжалик машиналари, миллиард сўмлик	2,1	99,8	100,1
Чорвачилик ҳамда озуқа ишлаб чиқариш учун машина ва ускуналар, миллиард сўмлик	1,5	99,3	102
Экскаваторлар, минг дона	21,2	98	105
Темир-бетон конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқариш учун технология ускуналари, миллион сўмлик	86,5	99,9	100,1

Машинасозлик комплекси министрликлари ишини бирмунча яхшилашга эришилди. Комплексда маҳсулот ишлаб чиқариш 7 процент кўпайди. Бу эса умуман саноатдагига қараганда 1,5 баравар юқоридир. Ҳисоб техникаси воситалари, металлургия машина—ускуналарининг, химия ва нефть ҳамда газни қайта ишлаш ускуналарининг бир қанча турларини ишлаб чиқариш анча ошди.

Шу билан бирга машинасозликни ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини янгилаш белгиланган топшириқлардан орқада қолмоқда, шу жумладан электротехника ва станоксозлик саноати каби устун тармоқларда ҳам оқсамоқда, электрон техника буюмларининг сифати секинлик билан яхшиланмоқда. Комплексга кирувчи министрликларнинг корхоналари ва бирлашмалари етказиб бермаган маҳсулот ҳажми биринчи ярим йилликда 715 миллион сўмликни ташкил этди. Қолоқ корхоналар орасида СССР Оғир машинасозлик министрлигининг «Ждановтяжмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси (21 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмаган), СССР Электр техника саноати министрлигининг «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси (11,6 миллион сўмлик), СССР Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг Харьков трактор моторлар заводи (13,9 миллион сўмлик) бор.

ХИМИЯ-ЎРМОН КОМПЛЕКСИ

	1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси	топшириқнинг бажарилиш процентн	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида
Минерал ўғитлар (тўйимли моддаларини 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда) миллион тонна	18,7	102	104
Ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари (таъсир қилувчи моддаларини 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда), минг тонна	168	102	98
Сульфат кислота, миллион тонна	14,7	99	103
Каустик сода, миллион тонна	1,7	98	103
Химиявий тола ва иплар, минг тонна	783	103	103
Юк автомобиллари учун шиналар, миллион дона	13,8	100,1	102
Енгил автомобиллар учун шиналар, миллион дона	11,8	103	107
Қишлоқ хўжалик машиналари учун шиналар, миллион дона	6,0	100,1	99
Дори-дармонлар, миллиард сўмлик	1,8	100,9	105
Иморатбоп ёғоч (колхозлар тайёрлаган ёғоч бу ҳисобга кирмайди), миллион куб метр	177	100,3	100,6
Қоғоз, миллион тонна	3,2	102	103
Шулардан газета қоғози, миллиард квадрат метр	18,3	102	103

Маҳсулотнинг прогрессив турлари: синтетик тола ва иплар, радиал конструкциядаги шиналар, конструкцион пластик материаллар, қаттиқ пайраха-тола плиталар, идишбоп картон ишлаб чиқариш кўпайди.

Бироқ химиявий хом ашё маҳсулотлари (сульфат кислота, синтетик аммиак, каустик сода), полимер материалларнинг ва улардан тайёрланган буюмларнинг энг муҳим турлари (полиэтилен, полистирол, поливинилхлорид, термопласт қувурлар), ёғоч-пайраха плиталар юзасидан давлат буюртмаси топшириқлари бажарилмади.

СССР Химия саноати министрлигининг Саянданги «Химпром» (89,9 процент), Волгоградданги «Каустик» (93,8 процент) Сумгаитдаги «Оргсинтез» (93,8 процент) ишлаб чиқариш бирлашмалари, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлигининг Туркманистондаги азотли ўғитлар заводи (47,4 процент), Дорогобуждаги «Минудобреня» (83,2 процент), Днепродзержинскдаги «Азот» (92,0 процент), Горловдаги «Стирол» ишлаб чиқариш бош корхонаси (91,3 процент), СССР Ўрмон саноати министрлигининг Камадаги целлюлоза-қоғоз комбинати (90,4 процент), «Свердлеспром» (94,7 процент), «Красноярсклеспром» (96,3 процент) бирлашмаларининг корхоналари маҳсулот етказиб бериш юзасидан мажбуриятларни бажаришда энг паст даражага йўл қўйдилар.

ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ САНОАТИ

	1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси	топшириқнинг бажарилиш процентн	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида
Цемент, миллион тонна	69,5	102	102
Асбестоцемент тахталар (шифер), миллиард шартли тахта	4,4	101	100,7
Асбестоцемент қувурлар ва муфталар, минг километр шартли қувур	41,0	101	101
Томга ёпиладиган юмшоқ материалар ва изол, миллиард квадрат метр	1,0	100,7	102
Қурилиш ойнаси, миллион квадрат метр	139	99,7	100,4

Йирик панелли уйсозлик учун конструкциялар ишлаб чиқариш (97 процент), енгил металл конструкциялардан йиғма бинолар (модуллар) тайёрлаш (99,3 процент), рўзғорбоп газ плиталар ишлаб чиқариш (99,8 процент) топшириқлари бажарилмади. Қурилиш ойнаси белгиланган ишлаб чиқариш ҳажмларига қараганда 659 минг квадрат метр кам олинди, бунда тармоқ етказиб бермаган ойнанинг 70 процентн Гусеев ойна заводи ҳиссасига тўғри келади.

Иморатбоп гишт ишлаб чиқарувчи янги қувватларнинг фақат ярми, йирик панелли уйсозликдаги қувватларнинг 60 процентн, керамзит ишлаб чиқарувчи қувватларнинг 74 процентигина ишлатилди. Ана шу объектларда панеллар ҳамда йирик панелли уйсозлик учун бошқа конструкциялар лойиҳадагидан 230 минг квадрат метр кам, иморатбоп ғишт — юз миллион донадан кўпроқ кам, керамзит—26 минг куб метр кам ишлаб чиқарилди.

Халқ истеъмол қиладиган ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш топшириқлари қандай бажарилганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин.

	1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси	топшириқнинг бажарилиш процентн	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида
Ип газламалар, миллиард квадрат метр	4,1	100,9	103
Зиғир толасидан ва каноп-жун толаларидан тўқилган газламалар, миллион квадрат метр	498	100,7	102
Жун газламалар, миллион квадрат метр	364	100,6	103
Шойи газламалар, миллиард квадрат метр	1,1	102	105
Трикотаж буюмлар, миллион дона	954	100,7	104
Пайпоқлар, миллиард жуфт	1,1	101	105
Кийим-кечак, миллиард сўмлик	13,3	104	103
Пойабзал, миллион жуфт	422	100,5	102
Шу жумладан болалар пойабзали	190	102	102
Телевизорлар, миллион дона	4,8	99,5	113
Шу жумладан рангли телевизорлар	2,8	100,7	135
Холодильник ва морозильниклар, миллион дона	3,1	100,7	106
Радиоприёмниклар, миллион дона	4,0	93	99,5
Магнитафонлар, миллион дона	2,7	95	117
Видеомагнитафонлар, минг дона	31	101	208
Тикув машиналари, минг дона	807	93	110
Шу жумладан «зигзаг» типидаги тикув машиналари	514	103	109
Кир ювиш машиналари, миллион дона	3,0	96	109
Электр пилесослар, миллион дона	2,4	99,5	109
Мебель, миллиард сўмлик	4,6	102	108
Мотоцикллар, минг дона	491	99,6	103
Велосипедлар (болалар велосипедлари бу ҳисобга кирмайди), миллион дона	2,8	99,8	103
Енгил автомобиллар, минг дона	660	100,6	99,96
Соатлар, миллион дона	36,6	101	106
Чинни-фаянс ва майолика идишлар, миллион сўмлик	525	102	107
Навли идиш (шиша ва биллурдан тайёрлангани), миллион сўмлик	491	105	112
Гулқоғоз, миллион шартли ўрам	277	102	110
Оқ қоғоз товарлар, миллион сўмлик	406	104	113
Рўзғордаги электр буюмлари учун элементлар ва гальваник батареялар, миллион дона	493	100,2	107

Биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 7 процент кўпайиб, 165 миллиард сўмликни (чакана нархларда) ташкил этди.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш жадаллаштирилди. Шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг жами ҳажми 10 процент ошди. Аммо кўпгина корхоналар белгиланган топшириқларни ҳали уддалай олмаяптилар: машинасозлик комплексида ҳар беш корхонанинг бири, химия-ўрмон комплексида ҳар 6 корхонанинг бири қолоқликка йўл қўйган.

Радиоприёмниклар (309 минг дона), магнитафонлар (144 минг дона), тикув машиналари (63 минг дона), кир ювиш машиналари (111 минг дона), электр пилесослар (12 минг дона), мотоцикллар (2,2 минг дона) белгиланганидан ҳам камроқ ишлаб чиқарилди.

СССР Енгил саноат министрлиги корхоналарининг ишида муайян ижобий ўзгаришлар намоён бўлиб қолди. Биринчи ярим йилликда молларнинг асосий турлари юзасидан топшириқлар бажарилди.

Енгил саноатда тайёр буюмларни чакана нархларда ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 миллиард сўмлик ёки 8,5 процент ошди.

Шу билан бирга мазкур ўсишнинг амалда ҳаммаси «Н» индекси қўйилган сифати яхшиланган товарлар ҳамда шартнома нархларда сотиладиган алоҳида модали буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан таъминланди, ваҳоланки, бир қанча харидоргир, моллар ва жумладан болалар буюмларини ишлаб чиқариш камайди.

Бироқ умуман тармоқ ишлаб чиқариш аппаратининг техникавий даражаси етарли эмаслиги маҳсулот турларини тубдан янгилаш ва товарлар сифатини яхшилаш имконини бермаяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўп қисми истеъмолчиларга манзур бўлмаяпти; СССР Енгил саноат министрлигининг 205 та корхонаси ва бирлашмаси (12 процентн) истеъмолчилар билан келишиб олинган ассортиментни бузди. Ана шу корхона ва бирлашмалар конкрет турлардаги 240 миллион сўмлик маҳсулот ҳамда товарларни етказиб бермадилар.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Озиқ-овқат саноати ва агросаноат комплексининг корхоналари энг муҳим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш юзасидан 1988 йилнинг биринчи ярми учун белгиланган топшириқларни бажарди:

Асосий **Озиқ-овқат маҳсулотларнни** ишлаб чиқаришга оид маълумотлар қуйидагича:

	1988 йилнинг 1 ярмида амалдагиси	топшириқнинг бажарилиш процентн	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан процент ҳисобида
Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани), миллион тонна	6,2	107	104
Колбасалар, миллион тонна	1,9	103	104
Сариёғ, минг тонна	862	109	108
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (сутга айлантириб ҳисобланганда), миллион тонна	16,9	104	103
Ёғли пишлоқлар, минг тонна	452	104	105
Озиқ-овқат бўладиган балиқ маҳсулотлари, шу жумладан балиқ консервалари, миллион тонна	2,9	106	102
Маргарин маҳсулотлари, минг тонна	851	101	104
Ўсимлик ёғи, миллион тонна	1,7	103	109
Қанд-шакар, миллион тонна	3,7	105	93
Кондитер маҳсулотлари, миллион тонна	2,5	103	105
Консервалар, миллиард шартли банка	7,3	108	107
Шу жумладан мева-сабзавот консервалари	4,5	110	108
Шундан мева шарбатлари	2,0	118	114
Минерал сувлар, миллион декалитр	86,5	104	110
Алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр	312	104	114

Ўзбекистон ССР билан Туркманистон ССР корхоналари гўшт етиштириш олти ойлик топшириқларини бажармади. Грузия ССР, Тожикистон ССР ва Эстония ССР саноат корхоналари гўшт етиштириш ва сариёғ ишлаб чиқаришни камайтириб юборди. Бир қанча корхоналарда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳали ҳам пастлигича қолмоқда.

1988 йил ҳосили учун, 211,2 миллион гектар ерга экин, шу жумладан 116,1 миллион гектар ерга дон ва дуккакли **дон экинлари экилди.** Бу йил кузги дон экилган майдонлар бултургига нисбатан 3,5 миллион гектар кенгайтирилди. Кузги ғаллазорларнинг улуши барча донли экинлар майдонининг 26 процентини ташкил этади. Кунгабоқар, хашаки экинлар экилган майдонлар кўпайтирилди.

Ҳамма жойда пичан ўриш ва ем-ҳашак тайёрлаш давом этмоқда. Шу билан бирга мамлакатнинг бир қанча регионларида бу ишларнинг суръатлари бултургидан пастроқ.

Мамлакатнинг Жанубий районларида донли экинлар ҳосилини ўриб-йиғиб олиш авж олиб кетди. Бироқ қишлоқ хўжалик корхоналарида кўпгина носоз техника бор. Ҳамма жойда ҳам мураккаб об-ҳаво шароитида ҳосилни ўриб-йиғиб олишга тайёргарлик ишларининг бутун комплекси амалга оширилмаган.

Парник-теплицаларда ва очиқ жойда етиштирилган эртаги сабзавотни харид қилиш ошди. 1988 йилнинг 27 июнигача ҳаммаси бўлиб, 1,5 миллион тонна, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 70 минг тонна кўп сабзавот ҳарид қилинди. 506 минг тонна бодринг, 113 минг тонна помидор, 449 минг тонна карам харид этилди. РСФСР, Украина, ССР, Белоруссия ССР, Ўзбекистон ССР, Озарбайжон ССР, Молдавия ССР ва Туркманистон ССР хўжаликлари эртаги сабзавот ҳарид қилишни кўпайтирдилар. Бошқа иттифоқдош республикаларда сабзавот ҳарид қилиш булгургидан камроқ бўлди.

Мамлакатнинг саноат марказларига йилнинг биринчи ярмида 564 минг тонна эртаги сабзавот ва 7,4 минг тонна данакли мева ва резавор мева етказиб берилди. **Умумиттифоқ фондига** сабзавот етказиб бериш ярим йиллик топшириғи 27 июнгача 95 процент, данакли мева ва резавор мева етказиб бериш топшириғи 41 процент бажарилди. Грузия ССР, РСФСР, Озарбайжон ССР, Туркманистон ССР ва Арманистон ССР сабзавот етказиб бериш топшириғини бажармади.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва ҳарид қилиш кўпайди.

Колхозларда, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда йилнинг биринчи ярмида 10,6 миллион тонна (тирик вазнда) ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 процент кўп гўшт, 43,6 миллион тонна (5 процент кўп) сут, 31,6 миллиард дона тухум (5 процент кўп) етиштирилди.

Молдавия ССР ва Эстония ССР қишлоқ хўжалик корхоналарида гўшт етиштириш; Грузия ССР, Арманистон ССР ва Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик корхоналарида сут; Грузия ССР, Туркманистон ССР ва Арманистон ССР қишлоқ хўжалик корхоналарида тухум етиштириш камайди. Арманистон ССРдан бошқа барча иттифоқдош республикаларнинг хўжаликларида ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда кўпайди. Бироқ сигирларнинг йил биринчи

(Давоми учинчи бетда).

ЭКОНОМИКАДА ТУБ БУРИЛИШГА ЭРИШАЙЛИК!

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

ярмида эришилган маҳсулдорлиги (ўрта ҳисобда 1451 килограмм) уларнинг туёғи амалда ўзгармаган бир шароитда, сут етиштиришни зарур миқдорда кўпайтиришни ва аҳолининг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминламайди. Туркманистон ССР, Ўзбекистон ССР, Озарбайжон ССР, Арманистон ССР, Қозоғистон ССР ва Грузия ССР хўжаликларида сигирларнинг маҳсулдорлиги умуман мамлакатдагидан 15—28 процент кам.

Барча категориялардаги хўжаликларда **чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш** қуйидагича бўлди:

	йилнинг биринчи ярми		
	1987 йил	1988 йил	1988 йилда 1987 йилга нисбатан (процент ҳисобида)
миллион тонна	10,6	11,1	105
Сут, миллион тонна	36,7	38,8	106
Тухум, миллиард дона	28,8	30,0	104

Барча иттифоқдош республикалар умумиттифоқ фондига гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бериш топшириғини бажарди.

Бу йил ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қишлоқ хўжалик корхоналарида чорва туёғини сақлаб қолиш яхшиланди. Шу билан бирга айрим республикаларда чорванинг нобуд бўлиши камаймаяпти. Умуман мамлакатда йилнинг биринчи ярмида 1,5 миллион бош қора мол, 3,4 миллион чўчқа ва 4,3 миллион қўй ҳамда эчки нобуд бўлди. Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР хўжаликларида қорамоллар, Белоруссия ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР ва Латвия ССРда чўчқаларнинг нобуд бўлиши кўпайди.

Колхозларда, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда **чорва ва парранданинг** туёғи қуйидагича ўзгарди (миллион бош):

	1 июлигача		
	1987 йил	1988 йил	
Қорамоллар	99,3	97,6	
Шу жумладан сигирлар	29,2	28,9	
Чўчқалар	59,4	58,4	
Қўй ва эчкилар	142,9	145,0	
Паррандалар	787,7	790,7	

Агросаноат комплексида қишлоқ хўжалигини юритишнинг принципиал янги усулларини ривожлантиришга қаратилган йирик структуравий ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳозирги вақтда 187 та агросаноат комбинати ва бирлашмаси, 62 та агрофирма мавжуд бўлиб, улар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасида яқиндан ўзаро алоқа боғлаганлар.

Июнь ойининг бошларида мамлакатда 15 мингта колхоз ва совхоз ижара пудратини қўлланди, бу усул РСФСР, Украина ССР ва Қозоғистон ССРда энг кўп оммалашди. Шу билан бирга кўпгина жойларда хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ижарачи коллективларни тузишга етарли эътибор бермаяптилар.

Тракторлар, бир қанча турдаги қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар ва ем-хашакка аралаштириб бериладиган химиявий қўшимчалар **етказиб бериш** юзасидан олинган шартномавий мажбуриятлар бажарилди.

174 мингта трактор, 106 мингта трактор плуги, 36 мингта ғалла комбайни, 20 мингта ем-хашак йиғиб берадиган механизм, 4,5 мингта картошка кавлаш комбайни, 40 мингта трактор косилкаси, 2,8 мингта ғаллани ўриб янчадиган ўзиюрар машина, 34 мингта қаторли жатка, 13 мингта пресс-подборщик тайёрлаб, ғарамланган ва рулонланган пичанни майдалаб берадиган 1,5 мингта механизм, сочма аралаш ем тайёрлайдиган 1,3 мингта комплект машина-ускуна, 10 мингта ёмғирлатиш машинаси ва қурилмаси етказиб берилди. Трактор косилкалари, қаторли жаткалар, пресс-подборщиклар, пичан майдалагичлар, сочма аралаш ем тайёрлайдиган машина-ускуна комплектлари, ёмғирлатиш машиналари ва қурилмалари етказиб бериш юзасидан олинган шартномавий мажбуриятлар бажарилмади.

13,7 миллион тонна минерал ўғит (тўйимли моддалари 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда) ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 301 минг тонна кам минерал ўғитлар, 688 минг тонна ёки 157 минг тонна кам ем-хашакка аралаштириладиган химиявий қўшимчалар етказиб берилди.

Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан агросаноат комплексини ривожлантиришга (шу жумладан қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга) салкам 26 миллиард сўм **капитал маблағ** сарфланди.

Чорвачилик бинолари, механизациялаштирилган фермалар ва мол, парранда боқиладиган комплекслар, силос ва сенаж иншоотлари, пичан омборлари қурилди. Картошка, сабзавот ва мева омборлари ишга туширилди.

332 минг гектар суғориладиган ва заҳи қочирилган ер фойдаланиш учун қабул қилиб олинди, заҳи қочирилишини талаб қилмайдиган 375 минг гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар маданий экинзорларга айлантирилди.

Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, кондитер маҳсулотлари, гўшт ишлаб чиқарадиган қувватлар қўпайтирилди, шунингдек элеваторлар, омихта ем корхоналари ва тегирмонлар ишга туширилди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1988 йилнинг биринчи ярмида давлат марказлаштирилган капитал маблағлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг фондлари ҳисобидан 49,3 миллиард сўмлик **асосий фондлар** ишга туширилди.

51,7 миллиард сўм давлат марказлаштирилган **капитал маблағи** ўзлаштирилди ёки шу давр учун белгиланган лимит 97 процент бажарилди. Давлат марказлаштирилган капитал маблағлари лимитидан йилнинг биринчи ярмида металлургия ва машинасозлик комплексларида 97 процент, химия-ўрмон комплексида 85 процент, қурилиш комплексида 95 процент фойдаланилди.

Корхона ва ташкилотларнинг тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши корхона ва ташкилотларнинг фондлари маблағи ҳисобидан капитал маблағ ҳажмини кескин қўпайтириш имконини берди, буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан (процент ҳисобида)	
	капитал маблағ — жами	шу жумладан корхона ва ташкилотлар фондларининг маблағи ҳисобидан
Бутун халқ хўжалигида	106	2,4 баравар
Ёқилғи-энергетика комплекси	111	2,7 баравар
Металлургия комплекси	96	1,3 баравар
Машинасозлик комплекси	99,3	1,1 баравар
Химия-ўрмон комплекси	107	1,6 баравар
Қурилиш комплекси	103	2,4 баравар

Корхона ва ташкилотлар 29,9 миллиард сўм миқдоридаги ўз маблағларидан фойдаландилар, шу маблағларнинг халқ хўжалигидаги умумий капитал маблағ ҳажмидаги улуши 37 процентни, шу жумладан ёқилғи-энергетика комплексида 28 процентни, металлургия комплексида 49 процентни, машинасозлик ва химия-ўрмон комплексида 65 процентни, қурилиш комплексида 45 процентни ташкил этди.

Корхона ва ташкилотларнинг фондлари маблағлари ҳисобидан капитал маблағ лимити ярим йиллик топшириққа нисбатан 7 процент оширибўзлаштирилди.

1988 йилнинг биринчи ярмида Волгоград областидаги Волжск 2-ТЭЦидаги биринчи турбина, Хабаровск ўлкасида «Ургал» (II навбати) шахтасида қўмир қазиб чиқарадиган қувватлар, Комсомольск-Амурдаги Узоқ Шарқ металлургия заводида пўлат ишлаб чиқарувчи қувватлар, Сумгаитдаги «Оргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасида полиэтилен, Калинин областидаги Ржевск крансозлик заводида 8 тонна ва ундан кўпроқ юк кўтарадиган минорали кранлар ишлаб чиқарувчи қувватлар ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари фойдаланиш учун топширилди. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи қувватлар кўпайтирилди. Магистрал газ қувурларида бир қанча участкалар ишга туширилди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан йилнинг биринчи ярми учун белгиланган топшириқ бажарилмади, давлат буюртмасининг 171 та объекти (шу жумладан 1987 йилда ишга туширилмаган объектлар)дан 101 таси фойдаланиш учун топширилди. СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги Хабаровск ўлкасидаги 3-Комсомольск ТЭЦидаги биринчи турбинани, 5-Новосибирск ТЭЦида навбатдаги турбинани; СССР Қора металлургия министрлиги Тошкент областидаги Ўзбекистон металлургия заводида қора металлар прокати ишлаб чиқарадиган, Калининграддаги «Вторчермет» цехида металлоломни қайта ишлайдиган қувватларни; СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги Донецк областидаги Горловка «Стирол» ишлаб чиқариш бирлашмасида натрийли селитра ишлаб чиқарадиган қувватларни; СССР Электр техника саноати министрлиги Запорожье трансформатор заводида куч трансформаторлари; СССР Ўрмон, целлюлоза ва қоғоз саноати министрлиги Ригадаги «Лигнумс» заводида елимланган фанер ишлаб чиқарадиган қувватларни фойдаланиш учун топширмади.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган **пудрат ишлари** ҳажми 6 процент, меҳнат унумдорлиги 7,9 процент кўпайди. Ўсишнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Умуман қурилиш ташкилотларида пудрат ишлари плани 103 процент бажарилди.

Қурилиш комплексининг министрликлари, идоралари планни қандай бажарганлиги, пудрат ишлари ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини қандай суръатлар билан ўстирганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	пудрат ишлари ҳажми 1 ярим йиллик планининг бажарилиш проценти	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан (процент ҳисобида)	
		пудрат ишлари ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Қурилиш комплекси жами —	103	106	108,8
Шу жумладан:			
СССР Шимолий ва Ғарбий районларида қурилиш министрлиги	103	107	111,7
СССР Жанубий районларида қурилиш министрлиги	100,3	104	110,0
СССР Урал ва Ғарбий Сибирь районларида қурилиш министрлиги	100,2	104	108,8
СССР Шарқий районларида қурилиш министрлиги	99,5	103	110,3
СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	106	104	107,0
СССР Транспорт қурилиши министрлиги	108	109	112,4
Иттифоқдош республикаларнинг қурилиш министрликлари, Госстройлари, РСФСР Уй-жой-граждан қурилиши министрлиги	101	106	108,0
Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги қурилиш бош бошқармалари	103	105	106,6

Комплекс қурилиш-монтаж ташкилотларининг чорак қисмидан кўпроғи пудрат ишлари планини уддалай олмади. Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Молдавия ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркманистон ССР қурилиш министрликлари, Қирғизистон ССР Госстройи, «Главминскстрой», «Главбакстрой» белгиланган топшириқларни бажармади.

Ишга тушириладиган объектларда қурилиш ишлари планининг бажарилиш даражаси умуман барча объектлардагига нисбатан 97 процентни ташкил этди. СССР Транспорт қурилиши министрлиги билан Литва ССР Госстройидан ташқари қурилиш комплексининг барча министрликлари белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминламади.

Машинасозлик, ёқилғи-энергетика комплексларининг объектларида пудрат ишлари плани бажарилган бўлса ҳам, металлургия ва химия-ўрмон комплекслари учун қурилишни амалга ошириш орқада қолди.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Умумфойдаланишдаги транспортда юк **жўнатиш** қуйидаги маълумотлар (миллион тонна) билан характерланади.

	1988 йилнинг 1 ярмида	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан (процент ҳисобида)
Транспортнинг ҳамма турлари	6464	102,8
Шу жумладан:		
Темир йўл транспорти	2053	103,5
Қувур транспорти	619	103,4
Денгиз транспорти	130	107,3
Дарё транспорти	276	108,4
Автомобиль транспорти	3384	101,7
Авиация транспорти	2	100,6

Темир йўл, дарё, автомобиль транспорти юк жўнатиш топшириғини; денгиз транспорти экспорт-импорт юклари жўнатиш топшириғини бажарди.

Львов темир йўли юк жўнатиш планини бажармади (99,8 процент); Молдавия ССР (98 процент) ва Ўзбекистон ССР (99,6 процент) автомобиль транспорти министрликлари автомобиль транспортида юк ташиш планини адо этмадилар; Шимол (88 процент), Узоқ Шарқ (99,5 процент), Қора денгиз (99,9 процент) пароходчиликлари чет элда юк ташиш топшириғини бажармадилар.

Умумий фойдаланишдаги транспорт барча турларининг **пассажир обороти** 4 процент ўсди ва 522 миллиард пассажир-километр бўлди. 28 миллиард пассажир жўнатилди (бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 103 процентни ташкил этди).

Темир йўл транспортида пассажир обороти ўтган йилнинг январь—июнь ойларидагига нисбатан 5 процент ўсди ва 190 миллиард пассажир-километр бўлди. План 104 процент бажарилди.

Граждан авиациясининг пассажир обороти 92 миллиард пассажир-километрга етди ва 4 процент ўсди. Магадан (94 процент), Шарқий Сибирь (98 процент), Якутия (99 процент) граждан авиацияси бошқармалари топшириқни уддалай олмадилар.

Транспорт ҳаракати графиклари бузилди. Пассажир поездларининг фақат 89 проценти (шаҳар атрофига қатнайдиганларидан ташқари), самолётларнинг (маҳаллий линиялар бу ҳисобга кирмайди) 85 процентигина жадвалда белгиланган вақтда келди. 39,4 минг поезд ва 46,8 минг самолёт кечикиб келди. Озарбайжон (70 процент), Шимолий Кавказ ва Закавказье (78 процент), Жанубий (80 процент) темир йўллари поездлар келиши жадвалларининг, Грузия (77 процент), Арманистон (80 процент) граждан авиацияси бошқармалари, Марказий районлар (79 процент) граждан авиацияси бошқармаси самолётлар учиб келиш жадвалларининг жуда кўп миқдорда бузилишига йўл қўйдилар.

Шаҳар транспортида пассажирлар ташиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 процент ўсди. Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРда электр транспортининг барча турларида, Грузия ССРда трамвайларда пассажирлар ташишнинг план топшириқлари бажарилмади. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва ушбу транспортнинг моддий базаси тубдан яхшиланишига муҳтождир. Ишлатилаётган трамвай йўлларининг қарийб ўндан бир қисми авария ҳолатидадир, ҳар 6 километрдан бир километри капитал ремонт қилиниши керак, шпалларнинг 20 процентга яқини ва трамвай ҳамда троллейбус контактли шохобчаларининг 14 проценти ниҳоятда эскириб кетган. Ҳар беш троллейбуснинг биттаси нормативдаги ишлатиш муддатидан ўтиб кетган бўлса ҳам қатнамоқда.

Темир йўл транспорти ходимларининг юк ташишдаги меҳнат унумдорлиги биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,2 процент ўсди. Темир йўлда юк ташиш таннархи топшириқдагига нисбатан 1,5 процент арзонлашди; планга қўшимча тарзда 300 миллион сўмлик фойда олинди.

Умум фойдаланишдаги автобуслар ва енгил таксиларда пассажирлар ташишдан 4 миллиард сўм даромад олинди (бу соҳадаги топшириқ 102 процент бажарилди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 104 процентни ташкил этди).

Аҳолига **алоқа** хизмати кўрсатиш 1,8 миллиард сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидагига нисбатан 10 процент кўпдир. План 102 процент бажарилди. Шу билан бир қаторда хат-хабарларни ўз вақтида етказиб бермаслик, шаҳарлараро телефон орқали сўзлашувларга буюртмаларни узоқ вақт пойлаб қолиш ва мазкур буюртмаларни бажармаслик, почта орқали жўнатилган буюмлар ва пулларни йўқотиб қўйиш ва ўғирлаш ҳоллари бор.

Умумфойдаланишдаги телефон тармоғи асосий телефон аппаратларининг сони 1988 йилнинг 1 июлида шу йилнинг биринчи январидагига нисбатан 1 миллионта кўпайди ва 29 миллионтага етди.

IV. СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ВА ХАЛҚ ТУРМУШИ ДАРАЖАСИНИНГ УСИШИ

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва аҳоли даромадлари. 1988 йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг пул билан тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи ўтган йилнинг шу давридаги 201 сўмдан 213 сўмга, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидаги колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ 145 сўмдан 152 сўмга етди.

Мамлакатда ишлаб чиқариш тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ошириш давом этмоқда. Шу йилнинг май ойига қадар ишлаб чиқариш тармоқларига қарашли корхоналар ва ташкилотларда ишлаётган ҳар икки ходимнинг бирига янги оширилган тариф ставкалари ва мансаб маошлари белгиланди. Литва ССР ва Белоруссия ССРда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитларига ўтказилган ходимлар салмоғи умуман мамлакатдаги кўрсаткичдан юқоридир ва Литва ССРда 75 ва Белоруссия ССРда 70 процентни ташкил этади, айни вақтда Озарбайжон ССР ва Ўзбекистон ССРда бу кўрсаткич 24-26 процент бўлди.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 81 миллиард сўмликдан кўпроқ тўловлар ва имтиёзлар олди, бу ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 4 миллиард сўм ёки 5,2 процент кўпдир.

Колхоз аъзолари ва уларнинг оилаларига камида 10 йилдан бери тўлаб келинаётган пенсияларнинг энг кам миқдори оширилмоқда.

Ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар оилаларининг (оила жон бошига ҳисоблаганда) пул даромадлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5 процент кўпайди. Ишчи ва хизматчилар оилалари барча даромадларининг 80 процентдан кўпроғи ва колхозчилар оилалари даромадларининг 70 процентдан кўпроғи ижтимоий ишлаб чиқаришдаги меҳнатга ҳақ тўлашга ва 10 процентга яқини ижтимоий истеъмол фондларидан келаётган тушумларга (пенсия, стипендия, турли нафақалар) тўғри келади.

Медицина хизматини яхшилашга, шунингдек етим болалар ва ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар моддий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар ўтказилди. Соғлиқни сақлаш муассасаларида беморларнинг овқатланишига кетадиган сарф-харажатлар, дори-дармон, ускуна ва асбоб-анжом сотиб олиш нормалари кўпайтирилди, уч ёшгача бўлган болаларни даволаш учун зарур бўлган дори-дармонлар бепул берилмоқда, бошқа имтиёзлар ҳам жорий этилди.

Аҳолининг СССР омонат банки муассасаларидаги пули биринчи ярим йилликда 13 миллиард сўм кўпайди ва 280 миллиард сўмга етди.

Аҳолини товарлар ва хизматлар билан таъминлаш. Аҳолига халқ истеъмол товарлари сотиш ва пуллик хизмат кўрсатиш 1988 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,3 процент кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосининг **чакана товар оборотн** 175,7 миллиард сўмга етди ва 1987 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 10,5 миллиард сўм ортиқ бўлди. Умуман мамлакат бўйича чакана товар обороти плани бажарилди. Айни вақтда Украина ССР, Туркманистон ССР ва Закавказье республикалари планнинг бажарилишини таъминламадилар.

Давлат ва кооператив савдосида айрим товарларни сотиш қуйидаги маълумотлар (таққосланадиган нархларда; миллиард сўмлик) билан характерланади:

	1988 йилнинг 1 ярмида сотилгани	1988 йилнинг 1 ярмида 1987 йилнинг 1 ярмига нисбатан (процент ҳисобида)
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	15,2	105
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	2,6	102
Сариёғ	2,9	106
Ўсимлик ёғи	0,8	102
Маргарин маҳсулоти	0,7	96
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти	4,7	105
Пишлоқ	0,9	103
Тухум	2,6	103
Қанд-шакар	3,5	103
Кондитер маҳсулотлари	5,9	105
Чой	1,1	109
Нон маҳсулотлари, миллион тонна	18,5	99
Картошка, миллион тонна	3,2	92
Сабзавот, миллион тонна	3,6	106
Мева ва цитрус мевалар, миллион тонна	0,8	63
Алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр	281	119
Минерал сувлар, миллион декалитр	86	114
Мева ва сабзавот шарбатлари, миллиард шартли банка	3,2	111
Тамаки	3,4	101
Кийим, ички кийим ва газлама	18,2	102
Трикотаж буюмлар	7,2	103
Пайпоқлар	1,8	112
Пойабзал	6,5	104
Чинни-фаянс, сирланган идишлар ва шиша идишлар	1,3	104
Совун ва синтетик ювиш воситалари	1,0	109
Мебель	4,4	107
Холодильниклар ва морозильниклар, миллион дона	2,5	104
Шу жумладан камерасининг сиғими 200 кубдециметр ва бундан ҳам каттароқ бўлганлари	1,3	105
Кир ювиш машиналари, миллион дона	2,8	110
Электр пилесослар, миллион дона	2,0	106
Соатлар, миллион дона	26,1	103
Фотоаппаратлар, миллион дона	1,2	105
Радиоприёмник қурилмалари, миллион дона	3,5	92
Телевизорлар, миллион дона	4,0	107
Шу жумладан рангли тасвирдаги телевизорлар	2,3	122
Магнитофонлар, миллион дона	2,7	104
Спорт товарлари	0,7	106
Велосипедлар ва мопедлар, миллион дона	3,6	103
Мотоцикллар ва мотороллерлар, миллион дона	0,8	104
Енгил автомобиллар, жорий ишлаб чиқариш ҳисобидан, минг дона	386	107
Ёғоч-тахта, миллион куб метр	9,7	108
Шифер, миллиард шартли плита	2,7	113
Автомобиль бензини, миллион тонна	3,1	134

Алкоголли ичимликлар сотиш натурал миқдорда тахминан ўтган йилнинг биринчи ярми даражасида бўлди. Айни вақтда арақ ва ликер-арақ 2 процент кам сотилди, пиво ва коньяк эса 9-10 процент кўп сотилди.

Товар обороти плани бажарилганига қарамай аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва пойабзал билан таъминлаш ғоят ўткир муаммо бўлиб турибди.

Мамлакатнинг кўпгина регионларида маҳаллий аҳоли таъминотини яхшилаш учун чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан етарли активлик қилинмаяпти. Биринчи ярим йилликда Новгород, Кострома, Томск, Тюмень, Ворошиловград, Донецк, Урал, Қарағанда областларида, Чечено-Ингушетия АССРда ва бир қанча бошқа районларда гўшт ва сут маҳсулотлари сотиш камайиб кетди.

Калинин, Калуга, Смоленск, Белгород, Волгоград, Саратов, Житомир, Волинск, Винница, Тернополь областларида, Ставрополь ўлкасида, Белоруссия ССР, Литва ССР ва бошқа жойларда аҳолини ана шундай маҳсулотлар билан таъминлаш кўпаймоқда.

Картошка, сабзавот ва мева билан таъминлашда жиддий ўзгаришларга йўл қўйилмоқда. Айни бир пайтда биринчи ярим йилликда савдода бир ярим миллион тоннадан кўпроқ, чакана нархлар билан ҳисоблаганда 0,5 миллиард сўмлик картошка, сабзавот ва мева нобуд бўлди, деб ҳисобдан чиқариб ташланган ва озиқ-овқат учун яроқсиз бўлиб қолганлиги сабабли молларга берилган.

Мева ва сабзавот хиллари кам, бунинг устига кўпинча магазинларга сифатсиз маҳсулот келтирилмоқда. Бундай аҳвол Москвада, Ростов, Львов, Ворошиловград, Қўйбишев, Новгород, Владимир областларида ва кўпгина бошқа территорияларда қайд этилди.

Ҳамма жойда савдода аҳолининг эҳтиёжларига мос келадиган кийим-кечаклар, трикотаж буюмлар, пойабзал етишмаяпти.

Рўзғор техникаси ва радиоаппаратурага эҳтиёж қондирилмаяпти, бу маҳсулотларнинг тури жуда секин янгиланмоқда.

Ёғоч-тахта ва бинокорлик материаллари сотиш 20 процент кўпайди. Бироқ бу маҳсулотларнинг кўп турларига аҳоли эҳтиёжи ҳали ҳам қондирилмаяпти.

Иттифоқдош республикалар маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотишда қолоқликка йўл қўйдилар.

Аҳолига кўрсатилган **пулли хизмат** ҳажми 29,1 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 17 процент кўпайди. Умуман мамлакат бўйича пулли хизмат кўрсатиш плани бажарилди. Ўзбекистон ССР, Озарбайжон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССРда планнинг бажарилиши таъминланмади.

Ишчилар ва хизматчилар ишга жойларида 0,7 миллиард сўмлик турли материаллар ва буюмларни сотиб олдилар. Шу билан бир вақтда янада кенгроқ миқёсда пулли хизмат кўрсатиш имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Министрликлар ва идораларнинг ярми планларнинг бажарилишини таъминламадилар.

Аҳолига 6,8 миллиард сўмлик ёки ўтган йилнинг январь июнь ойларидагига нисбатан 15,7 процент кўп маиший хизмат кўрсатилди. План 102,6 процент бажарилди. Лекин маиший хизматнинг кўп турларига бўлган эҳтиёж қондирилмаяпти; буюртмаларни шошилинч бажариш етарлича ривожлантирилмаяпти, хизмат кўрсатиш савияси пастлигига гражданларнинг шикоятлари жуда кўп.

Уй-жой ва соцнал-маданий қурилиш. Марказлаштирилган давлат капитал маблағлари ҳисобидан умумий саҳни 24,5 миллион квадрат метр уй-жой, корхоналар ва ташкилотлар фондларидаги маблағлар ҳисобидан 10,8 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уй-жойларни фойдаланишга топшириш 0,8 миллион квадрат метр ёки 2 процент кўпайди.

Умуман, мамлакатда уй-жойларни фойдаланишга топшириш юзасидан биринчи ярим йиллик план ошириб бажарилди. Шу билан бир вақтда Молдавия ССР, Қирғизистон ССР ва Тожикистон ССРда, шунингдек, СССР Атом энергетикаси министрлиги, СССР Нефть саноати министрлиги, СССР Транспорт қурилиши министрлиги ҳамда бошқа министрликлар ва идоралар план топшириқлари бажарилишини таъминламадилар.

Умуман, корхоналар ва ташкилотлар фондларидаги маблағ ҳисобига қурилган уй-жойларни фойдаланишга топшириш 1987 йил биринчи ярмига нисбатан 4,9 баравар, мактабгача тарбия болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш — 7 баравар, поликлиникаларни фойдаланишга топшириш — 3,8 баравар, касалхоналарни фойдаланишга топшириш — 9,2 баравар кўпайди. Бунга министрликларнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилганлиги ёрдам берди.

1988 йилнинг биринчи ярмида уй-жой фондини капитал ремонт қилиш план топшириқлари иттифоқдош республикаларнинг кўпида 37—40 процент, Украина ССР, Грузия ССР, Литва ССР ва Эстония ССРда салкам 50 процент бажарилди.

492 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 21 минг ўқувчига мўлжалланган ҳунар-техника билим юртлари, 138 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, 15 минг ўринли касалхоналар, бир сменада 38 минг кишини қабул қиладиган поликлиникалар, 44 минг ўринли клублар ва маданият уйлари қурилди. Бундай объектларни ишга тушириш планлари умуман мамлакатда, шунингдек РСФСР, Белоруссия ССР, Молдавия ССРда бажарилмади.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССРда мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача тарбия болалар муассасаларини; Украина ССР, Белоруссия ССР, Қозоғистон ССР, Литва ССР, Тожикистон ССРда касалхоналар ва поликлиникаларни; Ўзбекистон ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССРда клублар ва маданият уйларини фойдаланишга топшириш камайиб кетди.

Санаторийлар, дам олиш муассасалари, туристларнинг меҳмонхоналари ва базалари тармоғи кенгайди. Бироқ аҳолининг ташкилий равишда дам олиш ва санаторий-курортларда даволаниш эҳтиёжлари тўла таъминланмаяпти. Ёз даврида 90 миллиондан кўпроқ меҳнаткашлар дам оладилар, шундан бешдан бир қисмигина санаторийлар ва дам олиш муассасаларида дам оладилар.

Салкам 4 миллион йигит ва қиз, шу жумладан, 2,5 миллион нафардан кўпроғи умумтаълим мактабларида ўрта **маълумот** олди.

Халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун олий ва ўрта махсус маълумотли икки миллион нафардан кўпроқ мутахассис, шу жумладан, олий маълумотли — 0,8 миллион, ўрта махсус маълумотли — 1,3 миллион мутахассис тайёрланди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Амалга оширилган табиатни муҳофаза қилиш ишлари умуман барча корхоналар бўйича 1987 йилнинг биринчи ярмига нисбатан атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариб ташланишини бир миллион тоннадан кўпроқ камайтиришга имкон берди. Сув тўғрисидаги Қонунни бузувчиларга нисбатан жазо чоралари қўлланилиши натижасида сув ҳавзаларига ифлос сувларни оқизиб юбориш деярли 4 миллион куб метр камайди.

Иттифоқдош республикалар пойтахтларининг кўпида атмосферага зарарли моддаларнинг чиқиши ва Кострома, Рязань, Горький, Челябинск, Одесса, Тошкент областлари ва бошқа регионларда булғатилган оқинди сувлар чиқариб юборилиши камайтирилишига эришилди.

Шу билан бирга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишида катта камчиликлар сақланиб қолмоқда. Олдинги йиллардаги каби кўпгина министрликлар ва идоралар табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш ва ишга тушириш планларини, шунингдек, табиатдан оқилона фойдаланишга доир бир қанча тадбирлар амалга оширилишини барбод қилдилар.

СССР Қўмир саноати министрлиги, Литва ССР, Грузия ССР ва Молдавия ССР Министрлар Советига қарашли корхоналарнинг ҳавога ифлос моддалар чиқариб юборишни кўпайди. Тбилиси ва Таллинда бундай моддаларнинг салбий таъсири ортди. Вильнюсда зарарли моддаларни чиқариб юбориш амалда камаймади.

Авариялар ва тозаланмаган оқинди сувларни бирданига чиқариб юбориш оқибатида сув ҳавзалари анча булғатилиши ҳоллари юз берди: Онега кўлининг суви танкерларнинг тўқнаш келиши натижасида, Кубань дарёсининг суви Краснодардаги канализация коллектори ёрилиб кетиши оқибатида, Кура ва Кальмиус дарёлари (Донецк области) қора металлургия корхоналари мазутни оқизиб юбориши натижасида булганди. Сув тўғрисидаги қонун талабларини кўпол равишда бузганлиги учун деярли 17 минг киши маъмурий жавобгарликка тортилди, салкам 0,5 миллион сўм жарима ундириб олинди.

Атроф-муҳитнинг булғаниш даражаси энг юқори бўлган шаҳарлар ва регионларда экология вазиятини яхшилаш, табиат ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш юзасидан табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари комплексини амалга ошириш давом эттирилди.

* * *

Беш йилликнинг биринчи ярми тугади. Олға томон бар-қарор ҳаракат қилиш учун зарур шарт-шароит яратилди. Бироқ иқтисодий ўсиш сифатида ҳали туб бурилишга эришилмади. Экономикани янада юксалтириш, ўн иккинчи беш йиллик топшириқлари бажарилишини таъминлаш юзасидан ҳали кўп иш қилиниши керак.

СССР Статистика давлат комитети

• Спорт

ЧАВАНДОЗЛИК:

СОВРИНЛИ ЎРИН

Москвада ўтказилаётган СССР чемпионатида кучли чавандозлар Олимпиада ўйинларига номзод қилиб сараланмоқда. «Катта совриН» учун ўтказилган команда мусобақасида 12 суворий шахсий программа бўйича баҳслашиш имкониятига эга бўлди. Улар орасида москвалик Н. Менькова 1392 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Украиналик Ю. Ковшов (1347) иккинчи ўринни олди. Тошкентлик А. Танков ўзининг «Ижарск» лақабли аргумоғида 1278 балл тўплаб, ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилди.

БЕЙСБОЛ:

ОММАВИЙЛИК САМАРАСИ

Бейсбол эндигина оммавийлашиб келаётган спорт турларидан. Спортнинг бу турига республикамизда ҳам катта аҳамият берилмоқда. «Пахтакор» ва «Метростроитель» ўйинчиларидан иборат республика терма командаси мамлакат кубоги учун курашда муваффақиятли куч синашди. Сакқиз коллектив иштирок этган мусобақада вакилларимиз ўз группаларида биринчи ўринни эгаллашди. Лекин дастлабки ярим финал учрашувини Украина спортчилари билан ўтказиб (2:4) ютқазиб қўйишди. Учинчи ўрин учун учрашувда эса бейсболчиларимиз РСФСР командасини 12:6 ҳисобида енгиб, совриндор бўлишди. Бош совриН эса Украина командасига насиб этди.

ФУТБОЛ:

МУНОСИБ ҲИССА

Чехословакияда давом этаётган Европа чемпионатида СССР терма командаси биринчи учрашувни Норвегия футболчилари билан ўтказиб (4:2), ғалаба қозонди. СССР ўсмирлар терма командаси составида қатнашаётган пахтакорчи М. Қосимов биринчи тўпга ҳисса қўшиб, иккинчисини дарвозага ўзи киритди. Футболчиларимиз Саудия Арабистонида ўтказиладиган ўсмирлар жаҳон чемпионатига йўлланма олишди.

Бугун—Куба Республикаси миллий байрами, Миллий қўзғолон куни



ОЗОДЛИК НАШИДАСИ

Бу воқеа роппа-роса 35 йил муқаддам, 1953 йил 26 июлда бўлган эди. Ўшанда Фидель Кастро бошлиқ бир гуруҳ жасур революционерлар манфур Батиста ҳукмронлигининг машъум қалъаларидан бири — Монкада казармасига штурм қилишга жазм этдилар. Тўғри, бу қўзғолон мағлубиятга учради. Лекин мамлакатда бўлажак тарихий революция учун ўзига яраша заминни ҳозирлади. Лотин Америкаси халқларининг озодлик ва мустақиллик учун курашида, империализмга қарши ҳаракатда бурилиш нуқтаси бўлди. 1959 йил 1 январида Куба революцияси тўла ғалаба қозонди.

Бу инқилоб Куба меҳнаткаш оммасининг яратувчилик куч-ғайратини жўш урдириб юборди. Тариҳан жуда қисқа муддат ичида эксплуатациядан ва тенгсизликдан холи янги, адолатли жамият пойдевори бунёд этилди. Ижодий меҳнат учун катта имкониятлар яратилди.

Кубаликлар учун «тинчлик», «уруш» сўзлари мавҳумий тушунчалар эмас. Улар америкалик ёлланма босқинчиларнинг Плая-Хиронга бостириб кирганликларини, Кариб денгизи ҳавзасидаги воқеаларни, Вашингтон томонидан қилинган сон-саноқсиз қўпорувчиликларни ҳеч қачон унутмайдилар. Ҳақли равишда «Озодлик ороли» деб атаган Куба социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларидан масофа жиҳатидан анча йироқда. АҚШ эса жуда яқинда. Шу боис Америка империалистлари ҳозир ҳам бу республикани иқтисодий қамал қилишни тўхтатмаяптилар. Шу сабабли Куба ҳамиша қуролли ҳушёр туришга, ўзининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, давлат бюджетининг анчагина қисмини шу тармоққа сарфлашга мажбур бўляпти.

Кубалик дўстларимиз мана шундай мураккаб шароитларда ҳам халқ фаровонлигини ўйлаб иш кўрмоқдалар. Бу йил ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқаришни 2-3 процент ошириш, экспорт ҳажмини 5-6 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари соғлиқни сақлаш ва маориф эҳтиёжларига, уй-жойлар ва социал-маданий-маиший аҳамиятга молик объектлар қурилишига анчагина капитал маблағ ажратилган. 1988 йил ўтган йиллар хатоларини тузатиш ва салбий ҳолларни бартараф этиш жараёни йили бўлиб қолиши керак.

«Биз ҳеч қачон эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмаслигимиз лозим, — деб таъкидлаган эди Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Ф. Кастро. — Ҳамма вақт олға қараб интилишимиз, мамлакатни социал-иқтисодий тараққий эттиришда янгидан-янги ғалабаларга эришишимиз лозим. Бунинг учун Куба Коммунистик партияси III съезди қарорларини оғишмай амалга оширишимиз, белгиланган планлар ни бажариш учун резервларни сабот билан қидиришимиз зарур».

Совет кишилари ҳурсевар, мард Куба халқини ниҳоятда ҳурмат қиладилар. Иккала мамлакат партиялари ва давлатлари ўртасидаги муносабатлар социалистик интернационализм принципларига асосига қурилган. Ўзаро ёрдам, чуқур ишонч ва бегараз ҳамкорлик шу муносабатларни белгилаб турибди. Ҳар томонлама Совет — Куба ўзаро ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш, унинг замиридаги бой резервларни тўла ишга солиш муҳимдир.

Суратда: Куба халқ милициясининг хотин-қиз жангчиларидан бир гуруҳи.

О. СЕРЕДА фотоси (ТАСС).

Фатто АБДУРАҲМОНОВ

1943 йилдан КПСС аъзоси, уруш ва меҳнат ветерани, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Фатто Абдураҳмонов шу йил 23 июлда 67 ёшида вафот этди.

Ф. Абдураҳмонов 1921 йилда Қўқонда камбағал деҳқон оиласида туғилди. У ўз меҳнат фаолиятини 1938 йилда ўқитувчиликдан бошлади. 1942 йилдан 1957 йилгача Совет Армияси сафларида хизмат қилди. 1958 йилдан бошлаб матбаачиликда ишлади. Шу жумладан, 1968 йилдан 1987 йилгача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти директорининг ўринбосари бўлди.

Ф. Абдураҳмонов ишлаб чиқаришни моҳирлик билан бошқариб, босмахона ва нашриётнинг узлуксиз ишлашини таъминлади. У кўп йиллар мобайнида ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг иқтисодий ўқуви бўйича методик кенгашга раислик қилди. Ишга садоқат, актив гражданлик позицияси, кўп минг кишилик коллектив меҳнат фаолияти учун жавобгарлик ҳисси Ф. Абдураҳмоновга хос фазилатлар эди.

У иккита Қизил Юлдуз ордени, «Ўрмат Белгиси» ордени, кўплаб медаллар билан тақдирланган эди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган эди.

Фатто Абдураҳмоновнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ШУНИНГДЕК СТУДЕНТЛАР, АСПИРАНТЛАР ВА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ИНФОРМАТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ

ИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

ХОҲЛОВЧИЛАРНИ

— программалаштириш асослари ва хусусий ЭҲМдан фойдаланиш юзасидан таълим курсини ўташ (группали ва хусусий таълим);

— программавий воситавий ҳисоблаш техникасини ПЭВМда қўлланиш юзасидан малакали консультация олиш;

— ПЭВМда (ўйин, ўқув машғулотлари, амалий машғулотлар ва ҳоказо) қизиқарли программаларни ўзлаштириш;

— ўйин залида компьютер билан шашка, шахмат, денгиз жанги ва бошқа ўйинлар юзасидан куч синашиш учун

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ БУЮРТМАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

— ПЭВМ программа воситаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш, ижарага бериб туриш;

— рўзғор компьютерларини фойдаланишга топшириш, ремонт қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатиш.

Информатика маркази, шунингдек ЭҲМ учун СМ1420 машина вақтини ижарага беради.

Кўрсатилган барча хизматлар учун нақд пул тарзида ёки пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади (прейскурантга биноан).

Бизнинг адрес: 700115, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви 1-квартал, 9-уй.

Справкалар учун телефон: 78-20-91.

ТОШКЕНТДАГИ
45- ТЎҚИМАЧИЛИК ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ТЎҚУВЧИ, ЙИГИРУВЧИ КАСБЛАРИНИ ЎРГАНИШ УЧУН ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш кириш имтиҳонларсиз, суҳбатлашиш йўли билан қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганларга шинам ва қулай ётоқхонадан жой берилади.

Билим юрти юқори малакали тўқувчи касбини эгаллаб чиқиш кафолатини беради. 10-синфни битирган ўқувчилар касб эгаллаб чиқиш учун 1 йил ўқишади, уларга 70 сўм стипендия тўланади.

9-синфни битирган ўқувчилар 2 йил ўқиб касб эгаллаб чиқиш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот ҳам оладилар ва ўқиш даврида давлат таъминотида бўладилар.

8-синфни битирган ўқувчилар 3 йил ўқиб касб ўрганиш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот олиб чиқадилар ва ўқиш даврида давлат таъминотида бўладилар.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Ёшларнинг эркин ижод қилиши ва маънавий камолотга етиши, ҳаётда ўз ўрнини топа билишига кафолат берилади.

Билим юртига киришни хоҳловчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, маълумот ҳақидаги ҳужжат; характеристика, медицина справкаси (ўқув юртига киручилар учун мўлжалланган форма бўйича), 8 дона фотосурат ва агар 16 ёшга тўлган бўлса паспорт шахсан кўрсатилади.

ЙИГИТЛАРНИ БИРИНЧИ БОР ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Билим юртида Тошкент шаҳрида яшаб турган йигитлар учун тўқувчилар ва йигирувчилар экспериментал группалари ташкил қилинган.

Қабул шартлари — юқорида қайд қилинганидек.

Бизнинг адрес: 700070, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй (54, 57, 58, 98-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 3, 13, 16 троллейбусларнинг «Киров номли парк» бекати). Телефонлар 55-78-28, 55-78-30.

Ҳар куни, якшанбадан ташқари соат 9 дан 16.00 гача, шанба кунлари соат 9 дан 14 гача билим юртининг касб танлаш кабинетида консультация олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

янгитдан ташкил этилаётган ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ЦИРК КОЛЛЕКТИВИГА

АРТИСТЛАР ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЖАНРЛАР БЎЙИЧА:

«ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ», акробатика, гимнастика, эквилибр, масхарабозлик, музикали эксцентрика ва рақс-хореографик группа номерлари.

Коллективга 16 дан 25 ёшгача бўлган қизлар, 25 ёшгача бўлган ва Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.

Бошқа шаҳарлардан келган кишиларга ётоқхона ва асосий маошнинг 50 процентига қўшимча суткалик ҳақ тўланади.

Ёшлар ўзлари билан спорт формасини, қизлар купальник олиб келишлари лозим.

Қабул Тошкент давлат цирки биносида (Тошкент шаҳри, «Хадра» майдони) **ҳар куни, якшанбадан ташқари ўтказилади.**

САДОҚАТ СИНОВИ

ёки афғон душманлари қўлига асир тушган совет солдати Абдулазиз ПАТТОХОНОВнинг матонатли кураши ҳақида

Хонқиз қадимий қишлоқ. Ҳар икки томонини ўркач-ўркач қирлар қуршаган кичкина водий ўртасидан Олтиариқсой мавж уриб оқади. Қишлоқ этакларидан археологлар ибтидоий жамоа тузуми давридаги одамлар яшаган ғорларни топишган. Ильич номли колхоз пахтазорлари мана шу ғорларга туташиб кетган.

Абдулазиз шу қишлоқда туғилиб ўсди. Оиладаги якка ўғил бўлишига қарамай, айримларга ўхшаб дўпписи ерга тушса, пул бериб олдирадиган эркатой бўлмади. Ўрта мактабни битиргач, ота касби — шоферликни танлади. Озгина вақт Фарғона шаҳридаги «Автодормехбаза» корхонасида шофер бўлиб ишлади. 1986 йил баҳорида эса Совет Армияси сафига хизматга чақирилди. Хуллас, унинг тақдири миллионлаб тенгдошлариникидан деярлик фарқ қилмайди.

Армияга кузатиш пайтида отаси Абдусамат ака ҳам, онаси Садбар опа ҳам, ёру-биродарлари ҳам бир йилдан сўнг Абдулазиз тақдирида даҳшатли воқеа — душманлар қўлига асир бўлиб тушиш борлигини хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Абдулазизнинг ўзи ҳам буни ўйлабдими...

Қандаҳор вилоятидаги одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган Регистон саҳроси бағрида оралаб ўтган йўлдан совет машиналари колоннаси кетиб борарди. Колонна вилоят марказига яқин ерда жойлашган Мирбозор қишлоғига яқинлашди. Афғонистондаги чекланган миқдордаги совет қўшинлари сафида ўз интернационал бурчини адо этаётган оддий солдат Абдулазиз Паттохонов бошқараётган КамАЗ машинаси колоннада иккинчи бўлиб борарди. Абдулазиз Афғонистонда ўтган хизмат давомида кўп нарсаларни бошдан кечирди. Йўллар четида ёндирилган, портлатиб юборилган машиналар, бронетранспортер, танклар қолдиқлари ҳар бир совет солдатини ҳушёрликка чорларди. Йўллар ёқаларидаги вайрон бўлган қишлоқлар — душман галаларининг шафқатсизлиги гувоҳи.

Мана шундай дақиқаларда Абдулазиз она-юрт ҳақида кўп хаёл сурарди. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, — дейдилар, биз баъзан жаннат диёрда яшаётганимиз, унинг қадрига етиш, унга муносиб бўлиш ҳақида чуқур ўйламаймиз», — дея мулоҳаза қиларди.

У хизматда ўз юртининг содиқ ўғли, яхши солдат бўлишга ҳаракат қиларди. Шу куни Паттохонов Афғонистон йўлларида 81-сафарга чиқиши эди. Колонна Қандаҳорга ёнилғи олиб кетаётган бўлиб, бу ўта масъулиятли рейс ҳисобланарди.

Қуюқ чанг орасида олдинда кетаётган машина билан оралиқ масофани бузмай бориш керак. Тўсатдан олдиндаги машинадан оловли шар кўтарилгандай бўлди. Граната дан биринг бошлиғи Қандаҳор атрофларида изғиб юрувчи, Афғонистонни озод қилиш Ислом иттифоқи деб аталмиш ташкилотнинг қуролли отрядларидан бирининг бошлиғи Толибжон экан. Унинг икки ёнида маслаҳатчилари, европалик ва араб миллатидаги икки киши ўтирар эди. Паст бўйли араб маслаҳатчи ўрнидан туриб, Абдулазизга яқин келди ва индамай нетмай пистолет дастаси билан унинг юзига туширди. Йигитнинг юзидан шарилаб қон оқди. Европалик бу ҳолатни кинога олишга тушди. Толибжон эса совет жангчисидан ҳарбий қисм, унинг тузилиши, мақсади ва ҳоказо маълумотларни сўради. Улар бошданоқ совет солдатини қўрқитиб, ҳарбий сирларни осонгина билиб олмоқчи бўлишган чоғи... Калтаклангандан совет солдатига видеоаппаратини тўғрилаган европалик совет солдатининг қўрқоқларча тиз чўкиши «ҳамма нарсани айтиб бераман, фақат соғ қолдиринглар» дея ялинишини кутган бўлса керак. Бироқ фарғоналик йигит унинг ниятини пучга чиқарди. Калтаклаш, турли қийноқлар, таҳқирлаш остида ҳам Абдулазиз ҳарбий қасамига хиёнат қилмади. У ёвуз Толибжоннинг саволларига бир оғиз ҳам жавоб қайтармади. Мард йигитни зиндондек чуқур ва тор хонага олиб кириб, оёқ-қўлларига кишан солиб қўйишди.

Абдулазиз хизмат қилаётган қисм қўмондонлиги ўша куниёқ уни излаш, топиш чораларини кўра бошлади. Воқеа содир бўлган жойга қайтиб келишганида Абдулазизнинг машинаси ёниб тамом бўлаёзганди. Ариқ ичида эса солдат кийимининг куйган парчалари ётар, топталган майкалар бу ерда кучли олишув бўлганини билдиради. Дўстлари Абдулазиз қўлга тушган деган фикрга келдилар. Уни душман қўлидан қутқариб олиш учун ҳаракат бошланди.

Ярим тунда Абдулазизни бошқа бир хонага олиб киришди. Хонада ўтирган серсоқол, қоп-қора бир киши унга тўсатдан ўзбек тилида саволлар бера бошлади. Омон исмли бу кимсанинг ота-оналари гражданлар уруши даврида Афғонистонга қочиб кетишган. Омон ўзининг «мусулмонобод»да яшаётгани, ҳамма мусулмонларнинг биродарлиги ҳақида гапирди. Айтишча, унинг ҳашаматли уй-жойи, учта хотини бор экан. У Абдулазизни авраб, агар Ватандан воз кечиб, душманлар тарафига ўтса, ана шундай шоҳона ҳаёт кечириши мумкинлигини уқдирарди. Биз тарафга ўтгин, дерди у. Хоҳласанг АҚШ, хоҳласанг Канада, хоҳласанг Покистонда маза қилиб яшайсан. У ёш йигитга олтин тоғлар, беташвиш, фароғатли ҳаёт ваъда қиларди.

Абдулазизининг хаёлида эса кўҳна Хонқиз ўртасида мавж уриб оқаётган Олтиариқсой соҳиллари, дўстларн, ота-онаси, уни кутаётган дилбар қиз — Насибахон чарх урарди. «Бу Омон нималар деяпти? Наҳотки Ватанни машиналару, ҳашаматли уй-жойларга алмаштириш мумкин деб ўйлайди?» дея таажжубланарди у. Ҳа, омонлар шундай деб ўйлайдилар ва шу йўлдан кетадилар. Абдулазизларнинг зуваласи бошқача пишиқтирилганлиги уларнинг тасаввурига ҳам сиғмайди!

Абдулазиз душманинг ҳийла-найрангларига учмади. Уни яна қийнашди. Жез учли таёқлар билан аёвсиз калтаклашди. Таҳқирлашди. Қўлларига ботиб кетган темир занжирларнинг шарақлаши ҳали унинг ёдидан кетгани йўқ. Бироқ Абдулазизнинг иродасини синдира олмадилар.

Афғонистонни озод қилиш Ислом иттифоқи ташкилотининг раҳбари, йирик Ислом ломоти теология профессори Саёф асирга тушган ўзбек солдати ҳақида эшитиб, уни ўзлари томонга ўтказиш учун ҳаракат қилди. Ахир, Ўрта осиёлик мусулмон фарзанди Ислом қўшинлари сафига ўтса, бу Ислом пропагандаси учун катта ютуқ бўларди-да. Шу мақсадда Саёф Қандаҳор вилоятига бир гуруҳ ғарб журналистларини юборди. Бироқ иродаси букилмас жангчи ўзини Ислом қўшинлари томонга ўтишга ундаган даллолларнинг ҳафсаласини пир қилди. У Ғарб журналистлари тутқазган хатга имзо чекмади. Ғарбий Европанинг исталган мамлакатига, АҚШ ёки Канадага бориш ҳақидаги таклифларини қатъиян рад қилди. «Мен фақат Ватанга қайтишни истайман», — дерди у холос. Ғарб журналистлари унинг бир-иккита расмини олиб, туёқларини шиқиллатиб қолишга мажбур бўлишди.

Шу орада Афғонистондаги чекланган миқдордаги совет қўшинлари қўмондонлиги солдат А. Паттохоновнинг Толибжон тўдаси қўлида эканлигидан хабар топди. Толибжонга совет солдатини озод қилиш талаб этиб ёзилган хатни юборишга муваффақ бўлинди. Босмачилар қўрбошиси жавоб хатида совет солдатини Афғонистон армияси қўлига тушган 7 нафар душман арбобларига алмаштириш шартини қўйди.

Май ойи охирларидан Афғонистон республикаси Президенти Афғонистондаги чекланган миқдордаги совет қўшинлари қўмондонлигининг илтимосига кўра совет солдатини алмаштиришга рухсат берди.

17 июнь куни саҳарда уни уйғотишди. Ҳеч нима демай эски «Мерседес»га ўтқазиб, номаълум тарафга олиб кетишди. Абдулазизнинг икки тарафи ва ортига тиш-тирноғигача қуролланган барзангидай душманлар ўтириб олишди. Гирақалача қишлоғида тумонат одам йиғилган эди... Эрталабки соат 9 да қишлоққа учта совет бронетанк транспортери кириб келди. Таниш ҳарбий усти бош, очиқ чеҳралар, русча гап-сўзлар — ҳуллас, Ватан! Абдулазизнинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди... Душманлардан бири унинг оёғига туртди: «Бор...»

Ватандан олисдаги 103 кунлик айрилиқ тугаганлигига ишонгиси келмаётган солдат астагина ўзимизникилар томонга юриб кетди...

«Красная звезда» газетасининг 10 июлдаги сонида Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-лейтенант Б. Громовнинг газета мухбири саволларига жавоби эълон қилинди. Жавоблардан бирида генерал-лейтенант «Қандаҳор» вилоятида совет ҳарбий вакилларига яна бир солдатимиз қайтарилди. Бу шу йил баҳорда бизнинг колоннага бўлган ҳужум пайтида исёнчилар томонидан қўлга олинган ҳарбий шофёр А. Паттохоновдир. Мен у билан суҳбатлашдим. Асирликда солдат совет киши номига доғ туширмади, ўз хизматидаги синовдан шараф билан ўтди», — деган эди.

Ҳа, Абдулазиз ўз ҳаётидаги катта синовдан шараф билан ўтди. Унинг иродаси Ватанга садоқат ҳиссини синашда тобланди. Инсон тақдиридаги энг олий синов ҳам мана шу. Ундан шараф билан ўтганлар эса ҳақиқий инсон номини умр бўйи ардоқлаб юрадилар.

Абдулазиз шу кунларда жонажон қишлоғига қайтиб келди. Фарғона районидаги Ильич номли колхоз меҳнаткашлари ўзларининг ажойиб фарзандлари билан фахрланадилар.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 28 июлда чиқади).

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети ҳамда жамоат ташкилотлари мактабгача тарбия методикаси кафедрасининг ўқитувчиси М. Нурматованг онаси

Покиза МУСАЕВАнинг


вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитети коллегияси ва марказий аппарат коллективи катта инженер, касаба союз комитетининг раиси В. С. Саитазизовга онаси

Иноятхон УЛМАСХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• Тингланг, томоша қилинг

26 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

МТ.I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Қароллар». Фильм-спектакль. Танаффусда Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — «Иккинчи қаватдаги саксиғоқлар». Бадиий фильм, 1-серия. 17.25 — Сиз яратган бог. 17.55 — Новаторлар ва консерваторлар. 19.40 — Мультфильм. 19.00 — Полян қўшиқлари Бутуниттифоқ фестивали. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Музикали фильм. 22.45 — Репортаж. 24.00 — Пермь филармониясининг эркаклар вокал квартети куйлайди. 00.35 — Дунё воқеалари.

МТ.II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Халқ ижодиёти. 9.50 — Француз тили. 10.20 — Илмий-оммабоп фильм. 10.40 — Мультфильм. 10.50 — «Кўҳна қаср шарпалари». Бадиий фильм, 2-серия. 11.30 — Франц.уз тили. 12.00 — «Йўл». Бадиий фильм. 13.25 — Янгиликлар, 13.35 — Фильм-концерт.

14.05 — «Қишлоқ хўжалиги». 14.25 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм, 1-серия. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Ритмик гимнастика. 19.30 — Халқаро панорама. 20.15 «Свитанок» халқ рақс ансамбли ижро этади. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Вандитлар тўдаси». Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар. 23.40 — Бас.кетбол. Ўртоқлик учрашуви. СССР — «Атланта Хоукс» (АҚШ).

УзТВ-I. 15.30 — Болалар учун фильм. 16.40 — «Армия сафига чақирилувчилар». Бадиий фильм. 17.35 — «Абитуриент-88». 18.10 — Ешлик. 19.10 — «Имон». Видеоспектакль, 2-қисм. 20.00— Ахборот. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Инсон ва қонун. 23.20 — Телефильм. 23.40 — «Бугун оламда нима гап?»

УзТВ-II. 19.05 — Телефильм. 19.50 — «Қасос». Бадиий фильм, 2-серия. 20.50 — Сувни авайланг. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «ФҲ — фавқулодда ҳодиса». Бадиий фильм, 2-серия.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Қўшиғимиз сизга армуғон. 9.30 — Қ. Исмоилова куйлайди. 9.45 — Мактаб ва ҳаёт. 12.10 — Ишчиюма. 12.30 — Эътиқод қўнғироқлари. 12.50 — Рубоб тароналари. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — «Диалог» ансамбли ижро этади. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Болалар учун. «Гулдаста». 15.50 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари — ҳаётга. 16.15 — Монкадо казармасига штурм бошланганлигининг 35 йиллигига. 18.30 — Л. Зокирова ва Ю. Тўраев куйлайдилар. 19.20 — Н. Аҳмедова ва Г. Абдураҳмонов ижро этган қўшиқлар. 19.50 — Халқаро кундалик. 20.15 — Қармоқ. 20.45 — «Қопқон». Радиотеатр. 23.47 — Радиопостановкалардан қўшиқлар.

Р. — 10864. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 170. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12